



МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВ

1973 йил 15 ноябрда Андижонда туғилган. 12 ёшидан бошлаб бокс билан шуғулланади. Мураббийлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устозлари Марс Қўчқоров ва Александр Размахов. 63,5 кг вазнда бокс тушади. Ўзбекистон чемпиони (1993, 1996-2000), Марказий Осиё ўйинлари чемпиони (1995, Тошкент; 1997, Алматы), Осиё чемпиони (1997, Куала-Лумпур; 1999, Тошкент), жаҳон кубоги соҳиби (1998, Чонг-Гинг), Осиё ўйинлари ғолиби (1998, Бангкок), жаҳон чемпиони (1999, Хьюстон), Олимпия чемпиони (2000, Сидней).

“Эл-юрт ҳурмати” ордени (1999), “Шухрат” медали (1996), “Ўзбекистон ифтихори” (1998) ва “Хизмат кўрсатган спортчи” (2000) фахрий унвонлари билан мукофотланган, мамлакатимизда “Йилнинг энг яхши спортчиси” (1999, 2000) деб топилган.

МУҚАДДИМА

Олимпия ўйинлари тарихида илк бор ўзбек фарзанди Муҳаммадқодир Абдуллаев чемпион бўлди! Бу гап заминида олам-олам маъно бор, унда миллат, халқ галабасининг тантанаси мужассам.

Умуман, нега Олимпия ўйинларидаги ҳар бир галаба миллат учун, халқ учун, Ватан учун катта воқеага айланади? Нима учун Олимпия чемпионларига иззат-икром кўрсатилади, уларнинг номлари тарих саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади? Бу саволларга жавоб топиш мақсадда Олимпия ўйинлари тарихига мурожаат этайлик.

Тарихий китобларда битилишича, Юнонистон (Греция)даги Олимпия кўрғони ҳукмдори Ифит ўзининг қудратли душмани — Спарта шоҳи Ликургни салтанатнинг салоҳиятини жанг майдонида эмас, оддий мусобақаларда намойиш этишга ундайди. Икки шоҳ шундай мусобақа ўтказишга келишиб олишади. Бундай келишувдан руҳланган Ифит эрамиздан 884 йил илгари ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган тинчлик мусобақаси — Олимпия ўйинларига асос солади. Ана шундай тарзда Грецияда навбатдаги жанг-жадал олди олинади, одамлар қурол-яроғларини чеккага қўйиб, ақл-заковати, куч-қудратини кўрсатиш учун тинчлик мусобақасига тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Катта байрамга айланиб кетган бу мусобақанинг довуғи Грециянинг бошқа ўлкаларига ҳам ёйилади. Шундай мусобақада иштирок этиш тарафдорлари кўпая боради.

Ниҳоят, эрамиздан 776 йил илгари ташкил этилган Олимпия ўйинлари илк бор бутун Грецияда катта тантана сифатида нишонланди. Унинг ғолиби Корэбнинг номи бинодаги мармар устунга ўйиб ёзиб қўйилди. Ўша даврдан Олимпиада ғолиби зайтун дарахти новдаларидан ясалган чамбар билан тақдирланиб, катта тантана билан аъёнлар ўтирадиган жойгача кузатиб бориш, улар шарафига зиёфатлар уюштириш, Ватанларида қаҳрамонлардай кутиб олиш, турли имтиёзлар (солиқлардан озод қилинган, бир умр театрга бепул кириш ҳуқуқига эга бўлган ва ҳ.к.) бериш анъана бўлиб қолган, хуллас, олимпия чемпиониغا иззат-икром кўрсатилган. Дастлабки олимпиадаларда мусобақалашувчилар фақат 192.27 метрга югуришда ғолиблик учун курашганлар. Кейинроқ мусобақа турлари сони оширилган. Яккама-якка муштлашув эрамиздан илгари 688 йилдаги Олимпия ўйинларига киритилган. Шундай тинчлик мусобақасини ўтказишни эрамизнинг 394 йили ҳукмдор Феодосий I таъқиқлади. Бун-

дан сал кейинроқ жангларда Грециянинг жанубидаги Олимпия қўрғони вайрон этилди ва ўтган йилларда рўй берган икки кучли zilзила уни тамоман харобага айлантирди.

Йиллар, асрлар ўтаверди. Франциялик маърифатпарвар Пьер де Кубертен қадимий тинчлик мусобақасини тиклашга астойдил киришди. Унинг ташаббуси билан Париждаги Сорбонна университети биносида 1894 йил 23 июн куни ўтказилган ташкилий конгрессда Халқаро Олимпия қўмитасини (ХОҚ) тузиш ва қадимий Олимпия ўйинларини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўша конгрессда биринчи замонавий Олимпия ўйинларини Афинада уюштиришга келишиб олинди. Пьер де Кубертеннинг жонбозликлари туфайли 1896 йил 6 апрел куни Афинада I Олимпия ўйинлари бошланди. Унда 13 мамлакатдан келган 311 нафар спортчи 9 турда мусобақага киришдилар. Замонавий Олимпия ўйинларининг биринчи чемпиони 13,71 метр узоқликка уч ҳатлаб сакраган АҚШ спортчиси Жеймс Конноли бўлди. Бокс мусобақаси 1904 йилда Сент-Луисда бўлган III Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ўша олимпиадада илк бор аёллар ҳам қатнашишди, улар ёйандозликда баҳслашдилар.

Ўзбекистонлик спортчилар 1952 йилдан собиқ иттифоқ жамоаси таркибида Олимпия ўйинларида қатнаша бошлади. Республикамиз вакиллари олимпиадада муваффақиятли қатнашишларига қарамай уларни таклиф этишга кам эътибор бериларди. Айниқса, ўзбек миллатига мансуб спортчилар дунёнинг энг нуфузли мусобақасига боришлари учун Олимпиада талабларини бажаришдан ташқари, собиқ тузум қўйган сунъий говларни енгиб ўтиши керак эди. Шунга қарамай ўзбекнинг мард ўғлонлари Олимп чўққисига яқинлашишди. 1976 йил Монреаль Олимпиадасида машҳур боксчимиз Руфат Рисқиевнинг, 1980 йил Москва Олимпиадасида таниқли қиличбозимиз Собир

Биз фарзандларимизнинг баркамол рухий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

Рўзиевнинг кумуш медални қўлга киритгани фикримизнинг далилиди. Дарҳақиқат, Олимп чўққисига кўтарилиш осон эмас. 1992 йил Барселона Олимпиадасида 17 нафар спортчимиздан бирортаси шахсий мусобақада ғолиб чиқса, унинг шарафига Мустақил Ўзбекистонимиз баёроғи кўтариларди. Афсуски, бундай шарафга ҳеч бир спортчимиз эришолмади. 1996 йил Атланта Олимпиадаси сари 76 нафар спортчимиз йўлчиқди. Уларнинг ҳам ҳеч бирига Олимп чўққисига кўтарилиш насиб эмасди. Аммо бу бизнинг Олимп чўққиси томон қўйган дадил қадамимиз бўлди.

Энди биз Олимпия чемпиони тайёрлаш учун бутун миллат, яъни халқ, мустақил давлат бўлиб аниқ режа-дастур асосида юксак мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилиш лозимлигини яхши биламиз.

Ҳа, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақил демократия эълон қилинган, Олимп чўққисини забт этиш учун тамал тоши қўйилди. Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, кўплаб спорт турларини ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасида қарорлар тайёрланиши соҳа тараққиётининг ҳуқуқий асосини яратди. Мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақалар уюштирилиши, вакилларимизнинг жаҳон, Осиё чемпионати ва кубокларига, турли тоифадаги турнирларга қатнашиши спортчиларимизнинг маҳоратини оширди.

Президентимизнинг юксак натижаларга эришган спортчи, мураббий ва мутасаддиларни ҳукуватимизнинг орден-медаллари, фахрий унвонлар билан мукофотлаши, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаши, уларнинг гайратига-ғайрат қўшиши. Эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган спортчиларимиз янги-янги довлардан ўтиб, Олимп чўққиси сари дадил одимлай бошладилар.

Аср сўнггидаги олимпиада яқинлашган сайин давлат миқёсида жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътибор кучайди. 1999 йил Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. 2000 йил Олий Мажлис янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунни қабул қилиб, соҳа тараққиётининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Президентимиз Ислам Каримов 2000 йил 7 июн куни “Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекдилар. Бу ҳужжатлар олимпиячиларимизнинг нуфузли мусобақага тўлақонли тайёрланиши учун замин яратди.

Албатта, Муҳаммадқодир Абдуллаев галабаси ҳақида фикр юритганда юртимиз бокс тараққиётига назар ташлашимиз зарур. Ўзбекистонга замонавий боксинг қарор топиши тақдир тақозосига кўра ўтган асрнинг 30-йилларида Тошкентга келиб қолган америкалик Сидней Жаксон номи билан боғлиқ. У дастлабки бокс тўғарақларини очди, илк бокс мусобақаларини ташкил қилди, бокс федерацияси тизимига бош-қош бўлди, маҳоратли боксчилар ва мураббийлар тайёрлади. Шу жонкуяр инсоннинг шогирдлари, издошлари Ўзбекистон бокс мактаби довруғини дунёга таратишди. 1974 йили Гаванада Руфат Рисқиевнинг жаҳон чемпиони бўлиши, икки йилдан кейин Олимпиадада кумуш медал билан тақдирланиши, 1979 йилда Владимир Шиннинг жаҳон кубогини қўлга киритиши бокс тарихимизнинг ёрқин саҳифалари саналади.

Бироқ, боксчиларимиз мустақиллик йилларида асрларга татиғулик галабаларга эришишди. Улар ўтган ўн йил ичида барча тоифадаги расмий мусобақаларда голиб чиқишди, совриндор бўлишди! Боксчиларимизнинг Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва кубоги, қитъа чемпионати ва нуфузли халқаро мусобақаларда қўлга киритган шода-шода медалларига дунёнинг ривожланган давлатлари спорт аҳли ҳам ҳавас билан қарашмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон бокс федерацияси фаолиятини алоҳида мамнуният билан таъкидлашимиз зарур.

1995 ва 1999 йилларда Тошкентда Осиё чемпионатларини юқори савияда ўтказганлиги федерацияда иш давр талаблари даражасида йўлга қўйилганлигидан далолатдир. Айниқса, кейинги йилларда андижонлик боксчиларнинг ютуқлари салмоқли бўлмоқда.

Зарби қаттиқ Умар Шайх, арслондай кучли Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари яшаётган Андижон заминида замонавий бокс 60-йилларда оммалаша бошлади. Валентин Золотарёв очган бокс

Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

тўғараги сафига аста-секин туб миллат вакиллари келиб кўшилди. Шу тўғарак аъзолари аввал боксчи, кейин мураббий сифатида вилоятда бокснинг оммалашувига сезиларли таъсир кўрсатишди. Вилоятдаги спорт мактабларида бокс ихтисосликлари очилиши, Марс Кўчқоров, Александр Размахов, Лочинбек Кўчқоров, Валентин Золотарёв, Шухратбек Абдуллаев, Турдали Ўзғунов, Тўлқин Хўжамбердиев, Раҳим Каримов каби ўнлаб мураббийларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли бугун дунёни лол қолдираётган боксчилар авлоди вояга етди. Муҳаммадқодир билан ёнма-ён шуғулланган Ўткир Ҳайдаров жаҳон чемпиони, Сергей Михайлов олимпиада бронза медали совриндори, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпиони, Тўлқин Турғунов жаҳон чемпионати ва кубоги, Осиё ўйинларида кумуш медал соҳиби ҳамда Осиё чемпиони, Тимур Тўляков Яхши ният ўйинлари ғолиби ва Осиё ўйинларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган, Руслан Чагаев жаҳон, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпиони... Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бу номдор боксчиларнинг ҳозирги мураббийлари Марс Кўчқоров ва Александр Размаховдир.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди, чанги чиқса ҳам донғи чиқмайди, деган нақл бежиз айтилмаган. Минг шукурки, Муҳаммадқодир ёлғиз эмасди. У номдор мураббийлар қўл остида ана шундай машҳур боксчилар билан ёнма-ён шуғулланди, мусобақаларга бирга борди, битта рингга олдинмакетин “жанг”га кўтарилди.

Барибир, мана шундай “юлдузлар” орасидан кимдир ёрқин нур тараши керак эди. У Муҳаммадқодир бўлди.

Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатларида, Марказий Осиё ўйинларида, мамлакатимизнинг турли шаҳарларида ташкил этилган Ўзбекистон биринчиликларида Муҳаммадқодирнинг “жанг”ларини кузатганмиз. Унинг номи эълон қилиниши ҳамон зал олқишларга кўмилар эди. Даврларда, тўй-сайилларда, масжидларда, кўчаларда нуронийлар, табаррук кишилар Муҳаммадқодирни дуо қилаётганини кўп бор кўрганмиз. Эл назарига тушган, эл дуосини олган кишиларнинг толеи ҳамisha баланддир. Истараси иссиқ, эътиқоди мустаҳкам, сабр-бардошли ўзбегимнинг баҳодири Муҳаммадқодирнинг бахти ҳам, оламшумул галабаларининг мазмуни, таг замири ҳам шунда.

Бугун Муҳаммадқодир Абдуллаев Олимп чўққисида, ҳурмат шоҳсупасида. Очиқ тан олиш керакки, у бу шуҳратга ҳаётнинг, спортнинг оғир синовларини енгиб, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмай, ҳалол меҳнати билан эришди. Шубҳасиз, Олимп чўққисига чоғланаётган ёшлар учун, барча китобхонлар учун унинг босиб ўтган умр йўли турган гапки, катта қизиқиш уйғотади. Биз эзгу ният билан қўлимизга қалам олдик. Зеро, ҳеч бир замонда Олимпия чемпиони бўлиш осон кечмаганидек, Олимпия чемпиони ҳақида китоб ёзиш ҳам осон эмас.

АССАЛОМ, ОЛИМПИА ЧЕМПИОНИ!

2000 йил 31 август. Ватанимиз мустақиллигининг 9 йиллиги тантанали нишонланадиган кун. Пойтахтимиз байрамона безатилган. Мамлакат бокс терма жамоаси Тошкент халқаро аэропорти томон шошмоқда. Улар юртимиз вакиллари орасида биринчи бўлиб, Сидней Олимпиадасига қатнашиш учун жўнаб кетишади. Аэропортга чиққан кузатувчилар дуога қўл очади: “Сизларни қутлуғ кунда кузатяпмиз. Илоҳим, Олимпиададаги қадамларингиз қутлуғ бўлсин”. Шунда Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам яхши ният ила: “Илоҳим, айтганларингиз келсин” дея, юзига фотиҳа тортди.

Самолёт ўриндиғига яхшилаб жойлашиб олган Муҳаммадқодирнинг кўз ўнгидан аэропортдаги, Андижондаги қариндошларининг нигоҳлари бир-бир ўтди, уларнинг эзгу тилаклари қулоқлари тагида жаранглагандай бўлди. Шу пайт учиш йўлкасида тезлигини оширган самолётнинг филдираклари ердан узилди.

У Тошкент аэропортидан неча марта мусобақаларга жўнаб кетган. Нега бугун ҳаяжонланяпти? Асримизнинг сўнгги олимпиадасига бораётгани учунми? “Сўнгги” сўзи уни яна хаёл оғушига олди. Эҳтимол бу олимпиада менинг сўнгги олимпиадамдир. Ёшим йигирма еттида. Галаба учун бор кучимни сарфлашим керак. Беихтиёр мийигида кулди. Ахир, мусобақага бор кучимни сарфлашга, бутун маҳоратимни кўрсатишга кетяпманку... Қайси спортчи олимпиадага саёҳатга боряпман, деб ўйлайди. Ҳозир рақибларим ҳам бўлғуси “жанг”ларга тайёргарлик кўраётгандир. Кубалик Дуна Мартинсон, америкалик Рикардо Уилямс жанговар боксчилар. Таиландлик Понгсон Хринтоунтонг-чи? Россиялик Александр Леонов,

Австралия,
Сидней.
Муҳаммадқодир
Абдуллаевга!

Бутун ўзбек халқи, спортчиларимизнинг галабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда олимпия ўйинларида қўлга киритилган улкан галаба билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ислом КАРИМОВ
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
2000 йил
1 октябр.
Тошкент шаҳри.

белоруслик Сергей Буковскийдан ҳам кўп нарса кутиш мумкин...

Яна таниш боксчиларни эслаяпсанми, дея ўзини койиди. Тўрт йил илгари Атланта Олимпиадасида ўз кўзинг билан кўрдинг-ку. Ҳар бир боксчи олимпиадада бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб “жанг” қилди. Айримларининг рингдаги “жанг” гини кўриб, таний олмай қолдинг. Уларнинг бонг урилиши билан шиддатли ташланиши-чи. Балки Атлантада менга шундай жанговарлик етишмади. Биринчи учрашувдаёқ америкалик боксчига очколар ҳисобида ютқазиб қўйдим-а...

Финляндиядаги жаҳон чемпионатида бундан ҳам ёмон бўлганди. Биринчи раунд тугамасдан ҳакам учрашувни тўхтатиб, голибликни кубалик боксчига бериб юборди. Рингга чиққанинда рақибинг ҳам, ҳакамлар ҳам сенинг “жанг” га чиққанингни дарҳол сезиши керак, деган боксинг қадимий қоидасини англагунимча қанча муҳим учрашувларни бой бердим. Хайрият, Сидней Олимпиадасига етиб келдим...

Улар яшил қитъадаги XXVII ёзги Олимпия ўйинлари пойтахти Сидней шаҳрига етиб келгач, дарҳол Олимпия шаҳарчасига жойлашишди. Мураббийлар кун тартибини эълон қилишди. Ҳар бир мусобақада бўлганидай вақт тигиз. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, мусобақага тайёргарлик кўриш керак. Ўйлаб кўрса, Муҳаммадқодир дунёнинг кўп мамлакатида бўлибди. Сафардан қайтганда айрим таниш-билишлари: “Парижда мазза қилиб айландингизми?”, “Истанбул зўр шаҳарми?..” дея сўрашади. Улар билишмайдики, спортчининг сафардаги кун тартиби аниқ: аэропорт, автобус, меҳмонхона, емакхона, автобус, машғулотлар, спорт зали. Агар у шу кун тартибига қатъий амал қилмаганида, шунча медални қўлга киритармиди?!

7 сентябр куни Сиднейда мамлакатимиз терма жамоасининг асосий қисми кутиб олинди. Энди боксчиларнинг кун тартибига олимпиада олди тадбирларида иштирок этиш ҳам қўшилди. Бундай мазмунли, қизиқарли тадбирларда спортчилар жон-диллари билан қатнашадилар. Айтилса, Олимпия шаҳарчасининг Ўзбекистон қароргоҳида Ватанимиз байроғини кўтариш маросими тантанали ўтди. Мадҳиямизни тинглаб аста-секин кўтарилаётган Давлат байроғимизга қарар экан, Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимида унга Ватанимиз байроғини кўтариб ўтиш вазифаси топширилганини эслади. Боксчиларимизга эътибор кучайди, дея ўйлади у. Икки йил олдин 13-Осиё ўйинларида Лазиз Зокиров байроқдор бўлганди. Атланта Олимпиадасида байроғимизни Темура Иброҳимов кўтариб борганди. Сиднейда мен. Аслида, бутун халқимиз мендан Олимпиада мусобақаларидан кейин Ватанимиз байроғини баланд кўтаришимни кутишяпти. Ўзим ҳам камтарликни унутиб қўйдим,

шекилли. Сиднейга келиш олдидан журналистларга берган интервьюларимда: “Худо хоҳласа, Олимпиадада олтин медал оламан”, деб кўп бор такрорлаб юбормадиммикин? Кейин ўзини ўзи юпатди, Сиднейга келишдан мақсадим шу эмасми!

Сиднейда янги қурилган, 110 минг томошабинга мўлжалланган “Австралия майдони”даги очилиш маросими тантаналарини сўз билан таърифлаш қийин. Майдондаги кўтаринки руҳ ва улкан телеойнада намоиш этилаётган ранг-баранг томошалар Муҳаммадқодир кўз ўнгида Австралиянинг тарихини гавдалантирди. У юртимиз бой тарихи, буюк аждодларимиз билан минг бор фахрлансак арзир экан, деб ўйлади. Юртимизнинг спорт салоҳиятини шу ўлкада намоиш этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деган хулосага келди. Шу пайт Ўзбекистон спорт делегацияси майдонга таклиф этилди. Мусиқа садолари ва томошабинлар олқиши остида юртимиз делегацияси майдон сари юрди. Олдинда Ватанимиз байрогини кўтарганча Муҳаммадқодир борарди. Ўриндиқларда томошабинлар ўз давлатлари байрогини ҳилпиратишарди. Муҳаммадқодир қаддини ростлади, томошабинларга кўз қирини ташлаб: “Бу Олимпиадада бизнинг байроғимиз ҳамманикидан баланд ҳилпирайди”, дея Ватанимиз байрогини баландроқ кўтарди ва шу кўйи бутун майдон бўйлаб олиб ўтди.

Бокс мусобақасига қуръа ташланганди. Уч соатча давом этган бу жараён айрим боксчи, мураббийларнинг асабини таранг қилди. Айтиш мумкинки, қуръа боксчиларимиз учун омадироқ кечди. Чунки ҳеч бир боксчимиз биринчи “жанг”да кубалик ва америкалик боксчилар билан учрашмасди. Муҳаммадқодир илк учрашувни пуэрто-риколик Мигель Соттога қарши ўтказар экан. Унинг учрашуви кечроққа қўйилган эди. Шу боис машқларни давом эттирди.

Одатига кўра Муҳаммадқодир уйига телефон қилди. Отасига қуръа натижаларини айтди, ҳол-

Ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Оллоҳ ҳузуридан келур.

Қуръони
Каримдан

* * *

Ғолиб бўлмоқлик Тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир.

Амир ТЕМУР

аҳвол сўрашди. Муҳаммадёкуб ака ўз навбатида пахтакорларнинг ғалабалари тўғрисида сўзлади. Муҳаммадқодир отасидан С.Ашуров номли ширкат хўжалиги, Олтинкўл тумани ва вилоят раҳбарларини йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганликлари муносабати билан табрик-лаб кўйишини сўради. Унинг табригини туман газетасида ўқиган пахтакорлар олис Сиднейда ҳам халқи дарди билан яшаётган Муҳаммадқодирга офаринлар айтишиб, унга омад тилашди.

“Дарлинг хабе” спорт мажмуасидаги “жанг”лар қизиб борарди. Афсуски, Дилшод Йўлдошев, Дилшод Ёрбеков, Ўткирбек Ҳайдаров биринчи учрашувдан кейин томошабинлар қаторидан ўрин олди. Ўткирбекнинг россиялик Гайдарбековга 10:11 ҳисобида ютқазгани жамоамизга алам қилди. Алишер Раҳимов, Шерзод Ҳусанов, Сергей Михайлов ғалабалари жамоамиз руҳини кўтарди. Ниҳоят, рингга Муҳаммадқодир кўтарилди. У учрашувни ҳужум билан бошлади. Уч раунд давомида Соттони рингда кўз очиргани кўймади. Бу ҳисобда ҳам ўз аксини топди — 16:3. Аммо у тўртинчи раундни бўш ўтказди. Барибир 17:7 ҳисобида рақибини енгиб, илк ғалабасини қўлга киритди. Шу куни Алишер Раҳимов иккинчи “жанг”ни ҳам ютиб, чорак финалга чиқди. Эртаси куни Руслан Чагаев ғалабага эришган бўлса, Шерзод Ҳусанов ютқазиб кўйди.

Муҳаммадқодир иккинчи “жанг”гини бразилиялик Нельсон Карлосга қарши ўтказди. У ўтган учрашувдаги хатосини такрорламади. Учрашувни қандай ҳужумкор руҳда бошлаган бўлса, шундай охиригача етказди. Ҳакам тўртинчи раундда очкодаги фарқ 15 тадан ошгани учун ўйинни тўхтатиб, боксчимизни ғолиб деб эълон қилди. Шу куни Тўлқинбой Турғунов доимий рақиб таиландлик Самлунг Камсингга 2:6 ҳисобида ютқазди. Рустам Саидов эса ғалаба қозонди. Ҳамюртларимиз шу кунгача ниҳоясига етган дзюдо, мерганлик, юнон-рум кураши мусобақаларида совринли ўринлардан қуруқ қолишганди. Бошқа турларда ҳам спортчиларимизнинг омади юришмаётган эди. Айниқса, молот улоқтирувчи Андрей Абдувалиевнинг саралаш мусобақасидан ҳам ўтмагани кўпчиликни ранжитди. Бу медалларга асосий даъвогар ҳисобланаётган боксчиларимизга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Аммо омад келмаса қийин экан, Алишер Раҳимов ютқазди. Агар у россиялик Малахбековни ютганида 26 сентябр куниёқ жамоамиз учун битта бронза медали нақд эди.

Эртаси куни Руслан Чагаев рингга чиққанда, кўпчилик унга олдиндан ғолибликни бериб бўлганди. Бунга Руслан ҳам ишониб қолди шекилли, ўзини учрашув давомида хотиржам тутди. Аммо тўртинчи раунд охирида ютқазаетганини сезиб, ҳужумга ташланганда кечиккан эди. Бу-

нинг устига, грузиялик боксчи яхши ҳимояланди. Руслан ҳам ярим финалга чиқа олмади.

Бу мағлубият Муҳаммадқодирни изтиробга солди. Кейинроқ у ўша лаҳзадаги ҳолатини шундай баён қилганди:

— Мен Русланга ишонардим. Ҳатто учрашув тугашига беш сония қолганда ҳам ютишига ишониб ўтирардим. Мана уриб ағдаради, ҳозир йиқитади, дейман. Қани рақибни йиқилса... Учрашув тугагач, рақибни голиб деб эълон қилинганда, аламимдан йиғлаб юбордим.

Муҳаммадқодир жамоамиз сардори сифатида бошқа боксчиларимиз, спортчиларимиз мағлубиятларидан ҳам изтироб чекди. Наҳотки, бизга ишонган халқимиз, ёр-дўстлар олдида юзимиз ёруғ бўлмаса, деб ташвишга тушди. Лекин мусобақа пайтида эҳтиросларга берилиш мумкин эмас. Рустам Саидов канадалик боксчини катта устунликда енгиб, ярим финалга чиқди. Бу жамоамиз учун камида биринчи бронза медаль дегани эди. Сардоримизнинг кўнгли таскин топгандай бўлди.

У учинчи “жанг” гини ўтказиш учун ринг томонга йўл олди. Рақибни белоруслик Сергей Буковский Муҳаммадқодир “жанг” услубини пухта ўрганган экан. Учрашув бошланиши билан у рингда қочиб юрди. Олти йил муқаддам, 12-Осиё ўйинларида шундай усулни танлаган таиландлик боксчига Муҳаммадқодир ютқазган эди. Шу боис у рақибини рингда ортиқча қувламай, пайт пойлади. Биринчи раунднинг 2:1 ҳисобида боксчимиз фойдасига ҳал бўлгани, учрашувнинг қандай кечганини ифодалайди. Иккинчи раунд ҳам шу тарзда давом этди, фақат ҳисоб рақиб фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, ҳисоб тенглашди — 3:3. Мураббийи Марс Қўчқоров Муҳаммадқодирни хужумга даъват этди. Буковский учинчи раундда ҳам тутқич бермасликка ҳаракат қилди, бу усули қўл келиб ҳисобда олдинга ҳам чиқди — 5:6. Аммо шу заҳоти Муҳаммадқодир кетма-кет икки аниқ зарба берди. Ҳисоб — 7:6 ва бонг урилди. Тўртин-

Согликни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат тадбири ва уйқу тадбири бўлганидан сўзни бадантарбиядан бошлаймиз. Биз айтамызки, бадантарбия кишини чуқур ва кетма-кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир. Мўътадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам бузилган хилтлар туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган (касалликлар) туфайли келувчи касалликларнинг давомига мухтож бўлмайди.

Абу Али ибн СИНО

чи раундда Муҳаммадқодир энг тўғри усул — аниқ ҳимоя усулини танлади. Ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилаётган Буковскийга пайт пойлаб, барча ҳакамлар кўрадиган қилиб икки зарба беришга муваффақ бўлди. Жуда қийин ўтган бу учрашувда Муҳаммадқодир 9:6 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалга чиқди. Бу жамоамиз учун камида иккинчи бронза медали дегани эди. Ўша куни Сергей Михайлов ҳам қозогистонлик Олмо Оразалиевни муддатидан илгари енгиб, жамоамизга камида учинчи бронза медални тортиқ этди.

Жамоамиз ярим финал ўйинларини ҳаяжон билан кутди. Таассуф Сергей Михайлов тажрибали россиялик боксчи Александр Лебзякка биринчи раунддаёқ ютқазди. Рустам Саидов эса қозогистонлик Мухторход Дилдабековга тенг курашда учрашувни бой берди. Муҳаммадқодир эса мусобақа “кашфиёти” деб баҳоланаётган жазоирлик Муҳаммад Алал билан “жанг”ни чўзиб ўтирмади. Биринчи раунднинг ўзидаёқ кетма-кет зарбалар бериб, рақибини нокдаунга учратди. Фақат бонг чалиши уни маглубиятдан қутқариб қолди. Аммо у иккинчи раунд бошланиши билан рақибига зарбалар “ёмгири”ни ёғдирди — 17 : 2. Ҳакам 7 сония ўтгач учрашувни тўхтатиб, боксчимиз голиб чиққанини билдирди. Бу жамоамиз учун камида битта кумуш медаль дегани эди. Шу куни ушбу вазндаги иккинчи ярим финалда рекорд натижа қайд этилди. Америкалик Рикардо Уилямс кубалик Дуна Мартинсонни 42 : 41 ҳисобида енгди.

Сидней Олимпиадаси мусобақалари тугаб борарди. Яқунланган турларда боксчиларнинг иккита бронза медалидан ташқари спортчиларимиз ҳамон совринли ўринлардан жой олишмаган эди. Эркин курашчиларимизга катта умид билан қарагандик. Улар орасидан финалгача етиб келган Артур Таймазов ҳам ютқазса-да, аммо жамоамизга кумуш медални тортиқ қилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз учун Олимпиадада голиблик жуда-жуда зарур эди. 199 давлатдан келган 10 минг нафардан ортиқ спортчи, шунча мутахассис, 20 мингга яқин журналист, юз минглаб мухлис, қолаверса 3 миллиарддан зиёд телетомошабин кўз ўнгида қозонилган ғалабамиз юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшарди. Ягона умид эса Муҳаммадқодирдан. Ҳамма имкониятни чамалайди. Мана у одатдагидай хотиржам рингга кўтарилди. Жанговар ҳолатга кирди, бирдан елкадор, бўйчан кўриниш олди. Демак, ҳаммаси жойида.

Учрашувнинг дастлабки сонияларидан Муҳаммадқодир Рикардога аниқ зарбалар бера бошлади. Рақибни зарбаларига чап беришга улгурди. Ҳисоб — 4:1. Иккинчи раунд ҳам юртдошимиз устунлигида ўтди — 10:5. Учинчи раундда кутилгандек, америкалик боксчи кескин ҳужумга ўтди ва ҳисобдаги фарқни биттага қисқартирди — 15:11. Тўртинчи раунд бошланиши билан яна ҳужумга ўтди ва ҳисобни 21:13 га етказди. Ш

вақтда учрашув тугашига 43 сония қолганди. Бонг урилганча мўъжиза рўй бермади. Ўзбек баҳодир Муҳаммадқодир Абдуллаев ушбу “жанг”ни 27:20 ҳисобида енгиб, Олимпия чемпиони бўлди. Ўша пайтдаги ҳолат кўз олдимиздан нари кетмайди. У чемпион, деб эълон қилинган, зарбоф тўн кийиб, музаффар байроғимизни ринг узра ҳилпиратди. Кейин рингда тиз чўкиб, Оллоҳга ҳамду санолар ўқиди. Бу, ҳақиқатан ҳам ҳаяжонли, қувончли сониялар эди.

Бир неча дақиқадан кейин тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев шарафига мадҳиямиз янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилди. Шоҳсупада турган Муҳаммадқодир ич-ичидан илтижо қилди: “Оллоҳ ўзингга шукур, халқимиз олдида юзимни ёруғ қилдинг”. Шу лаҳза кўзларидан ёш дувдув тўкилди. Бу миллати, халқи, юрти, спортчилар гамхўри бўлган Президенти ишончини оқлаган баҳодирнинг қувонч кўз ёшлари эди...

Олимпиада ёпилиш маросимига Ватанимиз байроғини кўтариб тушишга тайёргарлик кўраётган Муҳаммадқодирга Президентимиз Ислон Каримов галабаси муносабати билан табрик йўллаганини айтишди. У қулоқларига ишонмай, табрикни қайта-қайта ўқиб беришларини сўради. Сўнг шодлиги бир олам-жаҳон бўлиб, Ватанимиз байроғини кўтарганча “Австралия майдони” марказига — олимпия чемпионлари даврасига йўл олди. Улар “Ассалом, Олимпия чемпиони” дея Муҳаммадқодирни кутиб олишга шай туришарди. Гўё шу дамда барча олимпиада ёпилиш маросимини эмас, унинг галабасини, Ўзбекистон галабасини тантана қиларди.

ТОНГЛАР ОППОҚ БЎЛАР БУ ЮРТДА

— Тонг ёришай деб қолди, — деди уй эшигини қия очган Махфиратхон ая тор ҳовли ўртасидаги сўрида ўйчан ўтирган қотмадан келган, шу кун-

Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келадиган — ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради.

Абу Райҳон
БЕРУНИЙ

ларда анча толиқиб, озиб қолган умр йўлдошига. — Бироз ёнбошлаб олсангиз бўларди.

Муҳаммадёқуб ака бу сўзларни эшитдимми ёки ўз ўйи билан бўлиб эшитмадимми, қандай ўтирган бўлса шундайлигича жойидан қимирламади. Бундай пайтларда кўздан уйқу қочиши табиий. Шу куни нафақат Муҳаммадқодирнинг яқинлари, деярли бутун Ўзбекистон андижонлик боксчининг Сидней Олимпиадасидаги финал «жанг»ги қандай якунла-нишини интиқлик билан кутишарди.

Отанинг юраги жиз этгандай бўлди. Ўрнидан туриб ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига юрди. Унга маъюс боқиб турган Махфиратхон аяга ялт этиб қаради-да:

— Телефон ёнидан жилманглар, мен ҳозир келаман, — дея кўчага чиқиб кетди.

Тонг оппоқ чойшабини осмонга ёзаётган пайт. Кўчада ҳеч ким йўқ. Муҳаммадёқуб ака илон изи, тор кўчадан аста юриб қабристон ёнига етганда ўзида ажиб бир енгиллик сизди. Кечадан бери уни ташвишлан-тираётган, елкасини эзиб турган, “нима бўларкин?” деган оғир савол бирдан йўқликка чекинди. Чунки шу лаҳза ўғли финалда америкаликни енгиб, олимпиадада голиб чиққанлигини юракдан ҳис этди. Отанинг кўзлари ёшланди:

— Эй Оллоҳ! Ўзингга беадад шукр.

Муҳаммадёқуб ака ортига қайтиб ҳовлига кириши билан телефон жиринглади. Ота гўшакни кўтарди. Андижон вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Убайдуллаевнинг овозини эшитди:

— Ассалому алайкум, акахон!

Ота саломга хотиржам алик олиб, спорт ходимидан аввал ўғли чемпион бўлганлигини айтди.

— Қаердан билдингиз, — дея ҳайрон бўлди Убайдуллаев. — Биздан аввал сизга ким хабар қилганди?

— Оллоҳ етказди укажон, Оллоҳ, — дея ота кўз ёшларини артди.

Убайдуллаев бироз жим бўлиб қолди, сўнгра Муҳаммадёқуб акани, ўғлининг жаҳон спорт тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган оламшумул галабаси билан табриклади, Муҳаммадқодирнинг финал «жанг»ги бироздан сўнг телевизор орқали намоёиш этилишини эслатди.

Эрталаб Абдуллаевлар яшайдиган Андижон шаҳар Жалабек маҳалласидаги мўъжазгина ҳовли қариндош-уруғ, кўни-кўшнилари, таниш ва таниш бўлмаган одамлар билан тўлди. Муҳаммадқодирнинг ажойиб галабаси ҳақида эшитган борки, хонадонга туғишганлардай қучоқ очиб кириб келишарди.

Кўй сўйилди, дастурхон ёзилди. Табрикка келганлар албатта меҳмонхонага киришар, чемпионнинг республика, халқаро турнирлар, Марказий Осиё, қитъа, жаҳон чемпионатлари ва кубокларида кўлга киритган медаллари, қимматбаҳо эсдалик совғалари, дипломлари кўрғазмасини томоша қилишарди. Муҳаммадқодирнинг юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ва мамлакатимизнинг бошқа эътиборли кишилари билан тушган суратларини кўриб завқланишарди. Шу пайт чемпионнинг ўзи Сиднейдан кўнғироқ қилиб қолди. Муҳаммадқодирнинг отаси, онаси, умр йўлдоши бирма-бир гўшакни олишиб чемпионни астойдил қутладилар.

— Ўғлингиз ўшанда нима деди? — сўраймиз ҳаяжондан ўзини аранг босиб турган бахтиёр отадан.

— Биласиз-ку, ўғлим камгап, — дея кулимсиради Муҳаммадқодир ака. — Берган сўзимнинг устидан чиқдим, ишончингизни оқладим, худога шуқр юзим ёруғ бўлди, эртага Тошкентга учяпмиз, деди холос.

Фурсатдан фойдаланиб Махфиратхон аядан сўраймиз.

— Бугун телевизор орқали Муҳаммадқодирнинг финал «жанг»гини кўрган бўлсангиз керак. Ўғлингиз Олимпиада шоҳсупасининг юқори поғонасида турганда, Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз юқори кўтарилганда ўзингизни қандай ҳис этдингиз?

— Қувонганидан йиғлаётган ўғлимни кўриб, мен ҳам йиғладим. Беихтиёр ўғилгинамнинг чақалоқлиги, болалиги кўз ўнгимдан ўтаверди...

БОЛАЛИК

Баҳор эрта келди. Март бошланмасдан дов-дахтлар уйғонди. Ўрик гуллади, борлиқ ям-яшил либос кийди.

Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор.

Ислон КАРИМОВ

Андижон шаҳридаги “Баҳор” кинотеатрида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев ҳақидаги бадиий фильмни кўриб чиққан уч нафар шофёр суҳбатлашиб кетишмоқда:

— Ўғлим “Спартак” стадионидаги бокс гуруҳида шуғулланыпти, - деди оқ сариқдан келган шофёр. — Ўзиям Руфат Рисқиевга ўхшаб кетади. Чемпион бўлишга аҳд қилган. Генерал бўлишни орзу қилмаган аска аскарми?

— Қара, ўзбек йигити Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитиб қўйди я, — деди унинг ёнида келаётган новча шофёр. — Қойил! Хотиним нуқул қиз туғади. Ўғлим бўлса боксга берардим.

Муҳаммадқуб ака оқ сариқдан келган дўстига юзланди:

— “Спартак”да бокс тренери ким экан?

— У ерда бир эмас, тўртта тренер бор. Менинг ўғлим Турдали Ўзгуновда шуғулланыпти. Сезиб турибман, ўғлинг Муҳаммадқодирни боксга бермоқчисан. Янглишмасам бешинчи синфда ўқияпти-а? Айни вақти Нима бўлганда ҳам спорт одамни чиниқтиради. Ўтган кунни ўғлингни кўчада кўрувдим. Жа нимжон-ку...

— Кўриниши шунақа, — дея кулимсиради Муҳаммадқуб ака, — ўзи жуда гайратли. Ҳеч чарчамайди.

Мана шу суҳбатдан сўнг кечки пайт Муҳаммадқуб ака ўғлини ёнига чақириб деди:

— Руфат Рисқиев ҳақидаги кинони кўрдингми?

— Ўтган ҳафта кўрганман, — деди Муҳаммадқодир отасига қизиқиш билан боқаркан. — Зўр кино.

— Ана шундай боксчи бўлишни истайсанми?

— Ҳа, жудаям.

— Сени бокс секциясига ёздириб қўйсам дегандим.

Муҳаммадқодир ўчоқ бошида ош дамлаётган онаси томонга қаради.

— Нега индамайсан? — деди ранжиган оҳангда Муҳаммадқуб ака. — Ёки кўрқяпсанми? Чиниқасан. Ахир яккаю ягона ўғлимсан. Опанг, сингилларингни ҳимоя қиладиган йигит бўлишинг керак.

Махфиратхон ая ота-боланинг ёнига келиб, хонтахта ёнига ўтирди:

— Маҳалладаги болалар ўтган ҳафта “Спартак” стадионидаги бокс тўғарагига ёзилишга кетишаётганди. Муҳаммадқодир мен ҳам борай деган ҳоли-жонимга қўймади. Сиз ишдан кеч келаётган кунлар эди-да. Мен унга рухсат беравердим.

Муҳаммадқуб ака хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай жим қолди. Режаси амалга ошгани яхши, бироқ отадан бесўроқ қилинганлиги...

Муҳаммадқодирнинг бу хатти-ҳаракатини тушуниш қийин эмасди. Ўзини танибдики, бокс ҳақида ўйлайди. Ўзидан ҳам кўпроқ отаси Му

ҳаммадөкуб аканинг армони шу. “Мен боксчи бўлолмадим. Турмуш ташвишлари орзу-ниятларингни ўзгартириб юборар экан. Ўғлим, албатта боксчи бўлади”, — деб айтганини кўп бор эшитган. Шу боис ойдан рухсат олиб, ўртоқлари билан бориб бокс тўрагага ёзилиб келганди. Аммо отаси кеч келаётгани учун бу ҳақда айтишга имконият тополмаётган эди.

— Баракалла, ота ўғил, — дея Муҳаммадөкуб ака ўғлини руҳлантирди. — Мураббийнинг Турдали эмасми?

Болакайнинг юзи ёришди:

— Сиз уни танийсизми?

— Эртага бориб танишаман, — деди Муҳаммадөкуб ака қадоқ кафтларини бир-бирига ишқаб.

Эртасига ота-бола “Спартак” ўйингоҳига бира боришди. Ўйингоҳнинг футбол майдонида уч йигит суҳбатлашиб туришарди.

— Сен кириб ечинаваер, — деди Муҳаммадөкуб ака ўғлига ва ўзи суҳбатлашиб турган йигитлар ёнига бориб, салом берди.

— Менга Турдали керак эди, — деди у.

Футбол дарвозаси устунига кўли билан таяниб турган 35 ёшлар чамасидаги қорачадан келган, мўйловли йигит нотаниш кишига юзланди:

— Мен Турдалиман, нима ишингиз бор эди?

— Ўғлим сизда шуғулланаяпти, — деди Муҳаммадөкуб ака жиддий оҳангда. — Гаплашиб олсак.

— Хўп, мен кетдим, — деди у шерикларига. Баҳорги қуёш кўзни қамаштирарди. Мураббий Муҳаммадөкуб акани ўйингоҳ ўриндиқлари ёнидаги соя томон бошлади.

— Кимнинг отаси бўласиз? — дея суҳбатни бошлаб берди у.

— Муҳаммадқодирнинг, шуғулланаётганига энди бир ҳафта бўлди.

— Нима, бокс билан шуғулланишига қаршимисиз?

— Аксинча. Уни чемпион қилишда сизга ёрдамлашмоқчиман.

Бизнинг юксалиб бораётган кучқудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида қўяётган, жаҳон жамоачилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Ислом КАРИМОВ

— Бу бошқа гап, оғайни, — деди мураббий хурсанд бўлиб. — Муҳаммадқодир тиришқоқ бола экан. Агар у бокс билан мунтазам шуғулласа, ўрта мактабни спорт устаси унвони билан тамомлайди.

— Хўш, биздан қандай ёрдам керак? — деди отанинг кўнгли тоғда кўтарилиб.

— Ўғилни яхшироқ боқинг-да, оғайни, — дея мураббий Муҳаммадқуб аканинг елкасига аста уриб қўйди. — Нозиклигини қаранг...

Бу гап отанинг бироз нафсониятига тегди. Бироқ у ҳиссиётини ичи ютиб:

— Муҳаммадқодир якка-ю ёлғиз ўғлим, — деди. — Ундан ҳеч нарсан аямайман. Худога шукр, емоқ-ичмоқдан кам-кўстимиз йўқ.

— Болага қандай овқат беришни билиш керак, — деди мураббий. — Тухум, сариёғ, сут, турли витаминларга бой мева-чева, сабзавотлар беринг. Ўшанда бўйи ҳам ўсиб, тенгқурларига етиб олади.

— Бизнинг авлодда болалар балоғат ёшига етгунча секин ривожланадилар, — деди ота. — Муҳаммадқодирнинг боболари азиз одамлар бўлишган. Шунинг учун унда руҳ кучли. Спортда кўп нарса, янглишмасам руҳга боғлиқ, шундай эмасми?

— Гапларингиздан ўзингиз ҳам спорт билан анча шуғулланган кўринасиз, акахон, — дея мураббий кўз остидан суҳбатдошига зимдан назар солди.

— Мен оддий шофёрман, — деди Муҳаммадқуб ака. — Ҳайдовчилар орасида нон топиб ейиш осон эмас. Сизга бир нарсани айтиб қўяй. Уйда ўғлимга ўзим устозлик қиламан. Сиз берган вазифаларни у уйда ҳам қайтариб боради. Эрталаб вақтли уйғотаман, маълум масофага югуртираман. Турник ҳам ўрнатиб қўйдим. Бадантарбия қилади, чиниқади.

— Қўлни ташланг, акахон, — деди мураббий мамнун бўлиб. — Муҳаммадқодирни чемпион қилмаган ҳам номард.

Мана шу суҳбатдан сўнг уч ой ўтгач, чўрткесар Турдали жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раҳбарлари билан айтишиб қолди. У ичида гап сақламас, дилидагини одамнинг юзига дангал айтарди. Мураббийнинг мана шу одати унга панд берди. Турдали бошқа шаҳарга шартнома асосида бокс бўйича мураббий бўлиб ишлаш учун оиласи билан жўнаб кетди.

Ўзғунов Россияга кетаётиб ўз гуруҳидаги болаларни бошқа бир бокс мураббийси Шуҳратбек Абдуллаевга топширди. Шуҳратбек ёш, ғайратли мураббий эди. Унинг «Спартак» ўйингоҳига келиб қолишига Турдали сабабчи бўлганди, чунки шаҳардан анча наридаги Завроқ қишлоғида яшарди. Ёш мураббий ўз касбининг фидойиси бўлиб, Муҳаммадқодирдаги иқтидорни сезмай қолмади. Бўлажак олимпиада ғолибининг оёққа туришида кўп жиҳатдан мана шу устоз хизмат қилди.

Тонги шаббода баданни увиштиради. Куёш нурлари олис тоғлардан мўралай бошлади. Муҳаммадёқуб ака соатига қаради. Соат роппа-роса етти. У ширин уйқуда ётган ўғлини уйғотди.

Муҳаммадқодир эрта туришга ўрганиб қолганди. У дарҳол ўрнидан туриб, спорт кийимини кийди-ю, кўчага чиқиб югура кетди. Уйидан бир чақирим наридаги қабристон ёнига бориб ортига қайтди. Ҳовлида бадантарбия қилгач, турникда бир неча бор тортилди. Отаси қум ва ёғоч қириндилари тўлдирилган қопчани дарахт шохига илиб қўйганди. Йигитча турли усулларда қопчага зарб бериб машқ қилди. Ювиниб, баданини нам сочиқ билан артди.

Махфиратхон ая нонуштани тайёрлаб бўлганди. Муҳаммадқодир қаймоққа нон ботириб еяётганда отаси ишкомдан бир бош оқ узум олиб унинг ёнига қўйди.

— Мусобақа эртагами? — дея у ўғлининг бошини силади.

— Ҳа, соат ўн бирда.

— Бирга борамиз.

Шу пайт ҳовлига йигитчанинг синфдоши Илҳом кириб келди.

— Ассалому алайкум, Ёқуб ака. — деди Илҳом. — Соат саккиз бўлди-ку, мактабга кеч қолмайлик.

Муҳаммадқодир сумкасини олди ва дўсти билан қўл бериб кўришди. Муҳаммадёқуб ака қўшнинг ўғлига дастурхондаги узумни берди:

— Йўл-йўлакай еб кетарсизлар.

Махфиратхон ая болаларни кўчагача кузатиб қўйди. Ўтган йили ҳам у ўғлини мактабга олиб бориб қўярди. Боксга қатнагандан бери Муҳаммадқодир анча дадил ва мустақил йигитга айланди.

Андижон шаҳри билан Олтинқўл тумани чега-расидаги 23-ўрта мактаб Муҳаммадқодирларнинг уйидан унча узоқ эмасди. Болалар катта кўчага

Керак шер олди-
да шер жанги,
Агар шер ўлма-
са бори фаланги.

Алишер НАВОИЙ

Умар Шайх Мирзо... бисёр зарб
мушти бор эрди,
анинг муштидан
йиқилмаган йигит
йўқдир.

*Захириддин
Муҳаммад БОБУР*

чиқиб олганда ёмғир савалади. Улар югургилашиб, мактабга етиб олганликларини ҳам сезмай қолишди. Болалар синфга кириб келишганда зўравон Салим ювош Парпини масхара қилаётган эди.

— Энди Парпивоё, доскадаги латтани олиб ювиб келасан, уни артасан, тушундингми? — деди Салим унинг қўлини сиқиб.

— Хўп, — дея латтани олиб ташқарига чиқиб кетаётган Парпини Муҳаммадқодир тўхтатди:

— Бугун ўзи ким навбатчи?

— Мен, — деди Салим гердайиб.

Муҳаммадқодир шумшайиб турган Парпининг қўлидаги латтани олиб Салимга узатди.

— Демак, латтани сен ювиб, доскани ҳам сен артишинг керак.

Салимнинг отаси узоқда эди. У ва саккизинчи синфда ўқийдиган Нур акаси ҳам мактабда тарбияси оғир болалардан саналар эди. Онаси тирикчилик вазидан ҳар якшанба уларни ўзи билан бозорга олиб борар, бу болалар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатарди. Нур шумтака болалар билан деворларга уят сўзлар ёзар, қизларга тегажаклик қилар, болаларни куч билан ўзларига бўйсундиришга уринар эди.

Муҳаммадқодирнинг сўзларидан Салим анча довдираб қолди.

— Боксчима деб ҳовлиқяпсанми, — деди у лабини буриб. — Мактабдан қайтишингни ҳам ўйлаб қўй.

Қўнгироқ чалинди, синфга ўқитувчи кириб келдию жанжал тугади. Ўқитувчи навбатчининг ёмон ишлаганини айтиб, Салимни латтани ювиб, доскани артишга мажбур қилди. Аламзада бола Муҳаммадқодирдан ўч олиш йўлини қидирарди.

Илҳом мактабда дарслар тугагунча ташвишланиб ўтирди. Чунки Салим, акаси ва бир-икки бола билан уларни йўлда кутиши аниқ. Муҳаммадқодир билан бирга бокс тўгарагида шуғулланаётган ва жисмонан анча бақувват Илҳом муштлашишдан чўчимасди. Бироқ эртага Муҳаммадқодир бокс бўйича вилоят биринчилигида иштирок этади, дўстининг мусобақа олдидан жароҳат олишини истамайди.

Муҳаммадқодирнинг биринчиликда иштирок этишидан мактаб раҳбарияти яхши хабардор эди. У уч кунга мактабдаги дарслардан озод этилган.

Ёмғир аллақачон тинганига қарамай асфальт ҳали қуримаган эди. Дўстлар намдан қорайган кузги хазонларни аста-аста босишиб, мактабдан уйга қайтишар экан, қаердадир безорилар писиб туришганини билишарди.

— Ҳей, боксчилар!

Дўстлар ортига қарашди. Муюлишдаги бетон қувур устида сигарет чекиб ўтирган Нур, Салим ва унинг шериги Қўшоққа кўзлари тушди.

— Қани бери келинг-чи, полвонлар, — дея Нур сигаретани улоқтириб, муштарини бир-бирига уриштирди. Унинг товуши анча дўриллаб чиқар, юзига ҳуснбузар тошганидан эрта балоғатга етганлиги кўриниб турарди.

Икковлон безориларнинг ёнига келгунча Нур уларни уят гаплар билан ҳақорат қилди.

— Маҳам, — деди у кўзларини қисиб. — Ичимизда ким билан бокс тушасан, танла.

— Маҳамнинг мусобақаси бор, — деди Илҳом. — Хоҳлаганинг билан мен муштлаша қолай.

— Вой, полвон-эй, — дея Нур ўрнидан туриб кетди. — Мен билан ҳам муштлашаверасанми? Кўрқмайсанми?

— Сен бўримисан, кўрқсам. Одам-одамдан кўрқмайди, — деди Илҳом дадиллик билан.

Нур рақибини ёнига кулимсираб келди-да, кейин бирдан Илҳомнинг юзига калла кўйди. Муҳаммадқодир дўсти юзини қўллари билан беркитганини, бармоқлари орасидан қон оқаётганини кўрди.

— Мана бу эса сенга, — дея Нур Муҳаммадқодирнинг юзига муштини ўқталди.

Ёш боксчи муштга тезлик билан чап бериб, Нурнинг қорнига кучли зарба туширди, сўнг ўзини орқага бир қадам ташлаб оғриқдан энгашиб турган безорининг чакагига ўнг қўли билан ёндан мушт солди. У зарбани қондасини келтириб, бутун жаҳлини муштира жамлаб берганлиги учун ўзидан анча новча ва йўғон рақибини нокаут ҳолига келтирганди.

Бироз ўзига келган Илҳом жаҳл билан Салимга ташланди. Кўрқиб кетган Қўшоқ жуфтакни ростлади.

— Бўлди Илҳом, етар, — деди Муҳаммадқодир Салимни ерга ётқизиб савалаётган дўстига.

Нур қорнини ушлаб нарироқдаги бетон қувур устига ўтирди. Илҳом унга ташланмоқчи эди — Муҳаммадқодир дўстининг қўлини ушлади:

— Юзингни ювиб ол, кетамиз.

Муҳаммадқодир кўксида олтин медал билан ғолиблик шоҳсупасида мағрур турганида, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида, унинг тимсолида халқимизнинг кучкудрати, шижоат ва матонати намоён бўлди, десам асло хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Андижон шаҳридаги 50-мактабнинг ёнгинасида қурилган бокс мактабининг янги зали ўша пайтдаги энг замонавий спорт иншооти эди. Зал эрталабданоқ ёш боксчилар билан гавжум бўлиб кетди. Бу ерда 1972–73 йилларда туғилган ўсмирларнинг вилоят биринчилиги давом этарди Мураббийлар шогирдларга нималарнидир уқтиришар, баъзилар у ёки бу усулларни махсус бокс қоли ва нок шаклидаги мосламаларда қўллашар эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, биринчиликдаги энг кичик вазн тоифаси 32 килограммгача бўлиб, Муҳаммадқодирнинг вазни 28 килограммдан ошмаган эди. Мусобақаларда уни қўллаб-қувватлаб туриш учун отаси, амакиси, тоғаси, дўстлари ҳам келишганди. Мураббий Шухратбек шундай катта «делегация»ни кўриб хурсанд бўлди.

— Маҳам, бироз вақт бор, кийимларингни алмаштир, — деди у. — Лапада (бокс учун махсус мослама) машқ қиламиз.

Андижон шаҳридаги спорт мактаб-интернатининг бокс бўйича катта мураббийи Марс Галиевич Қўчқоров залнинг бир чеккасида устози билан машқ қилаётган жуссаси кичик ўсмирнинг аниқ ҳаракатларини зимдан кузатиб тураркан, уларга яқинлашди. Шухратбек дам чап, дам ўнг қўлини кўтарар, шогирди лапага тез ва кучли зарбалар берарди. У чап беришни, тўхтамай кетма-кет зарба юборишни ҳам аъло даражада бажарарди.

— Шогирдинг анча бало кўринади, — деди Марс Галиевич қўлида махсус мосламани ечаётган Шухратбекка. — Бизнинг ихтиёримизга бер

Спорт мактаб-интернатига Фаргона водийсидаги энг иқтидорли ёш спортчилар қабул қилинар эди. Водийдаги мураббийлар ўз шогирдларининг мазкур интернатда таҳсил кўраётганлиги билан фахрланишарди Шухратбек эса Марс Галиевичнинг таклифига жавобан қатъий оҳангд деди:

— Биз касаба уюшмаси номидан рингга чиқамиз.

Марс Галиевич, нима ҳам қилардик дегандай елкасини қисди.

— Очиғи, унинг вазни ёшига нисбатан жуда енгил, биласан-ку, би интернатга бундайларни олмаймиз, — деди ва кетаётиб қўшиб қўйди, — бироқ сенинг шогирдингга истисно қилган бўлардик, ўйлаб кўр.

Биринчиликнинг дастлабки куни Муҳаммадқодир асакалик ёш боксчи устидан енгил галаба қозонди. Қорасувлик боксчи билан жанг оғи кечди. Ўша пайтларда қорасувлик боксчилар вилоятда етакчилар қаторига чиқиб олишганди. Бунда мураббий Одилжон Юнусовнинг хизмат катта эди. Унинг шогирдларидан бири республика чемпиони, оғир вазндаги машҳур боксчи Тўлқин Хўжамбердиев мураббийлик ишига фаокиришган эди. Дарвоқе, Олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби Сер

гей Михайлов ва жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори, Сидней Олимпиадаси иштирокчиси Тўлқин Турғунов ҳам қорасувлик эди.

Муҳаммадқодир тўрт боксчини, жумладан спорт мактаб-интернати вакилини ҳам мағлубиятга учратиб биринчи ўринни эгаллади. Унинг бу муваффақияти вилоят бокс мутахассислари учун кутилмаган ҳол бўлди. Рингдан чиқиши билан устози Шухратбек, отаси, амакиси Муҳаммадшокир ака, тоғаси Қосимбой ака, дўсти Илҳомнинг кучоқлаб табриклаганлари, уйига келганда бобоси Абдулҳай махсум, онаси, опаси, сингиллари, қўшилларининг бирма-бир қутловларидан Муҳаммадқодир ўзини ғоят бахтиёр ҳис этди. Мактабда эса уни ўқитувчилар, синфдошлари табрикларди.

Яна Илҳом билан Муҳаммадқодир мактабдан уйига қайтадиган бўлишди. Дўстларнинг кўзи муюлишдаги ўша бетон қувурда ўтирган Салим, Нур, Қўшоқ ва яна икки болага тушди.

— Бу гал улар кўпчилик-ку, — деди Илҳом енгини шимараркан.

— Қани борайликчи, нима қилишаркин? — дея Муҳаммадқодир ортига ўтирилди.

Бешовлон дўстлар томон келишарди. Муҳаммадқодир папкасини елкасидан олиб девор ёнига қўйди.

— Маҳам, — деди Нур босиқлик билан. — Биз уришмоқчи эмасмиз, кўрқманглар.

— Биз кўрқаётганимиз йўқ, — дея Илҳом жангга ҳозирланди.

Нур бошини эгиб, биров жим турдида:

— Маҳам, бизни бокс секциясига олишармикан? — дея сўради.

— Бокс бу мушглашиш эмас, — деди Илҳом. — Бокс бу санъат! Зарб бериш, ҳимоя қилиш санъати. Сендақа уришқоқларга боксда жой йўқ.

— Тўхта Илҳом, — дея Муҳаммадқодир дўстига норози қиёфада қаради. — Мен тренеримиз

Сидней Олимпиадасида Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг ғолиб чиқиши чин маънодаги қахрамонликдир. Мен бу хушхабарни эшитар эканман, гўё ўзим ғолиб чиққандек шодланиб кетдим. Негаки, бир боксчи сифатида бу ғалаба ортидаги зил-замбил машаққатларни, тоғдек оғир масъулиятни юракдан хис этаман.

Тез-тез ринг узра байроғимизни кўтарганча айланаётган Муҳаммадқодир кўз олдимга келади. Ха. у жуда улуг, жуда буюк вазифанинг уддасидан чиқди. Энди бизнинг юртда ҳам Олимпия чемпиони бор. У — ўзбек фарзанди Муҳаммадқодир Абдуллаев!

Лазизбек
ЗОКИРОВ,
бокс бўйича
жаҳон кубоги
ғолиби

Шухрат ака билан гаплашиб кўраман. Яхшиси, сизлар эртага тушлик маҳалда «Спартак» стадионига ўтаверинглар. Менинг фикримча, Шухрат ака рози бўлади.

Боксдаги илк ғалабасидан руҳланган Муҳаммадқодир машғулотларга зўр берди. Бу унинг ўқишига таъсир этмай қолмади. Ўқитувчилар хонасида Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг фанларни ўзлаштириши ёмонлашиб кетаётгани ҳақидаги гапларни эшитиб, Тўтихон опа Тиллабоева ўйланиб қолди. Нима бўлганда ҳам опа ғолибнинг биринчи муаллими эди-да.

— Боксчи, футболчига билим керак эмас, — деди ўқитувчилардан бири. — Яхши баҳо қўйиб бераверинг. Тўпини тепиб юраверсин.

Катта танаффус пайтида Тўтихон опа Муҳаммадқодирни ёнига чақириб, бўш хоналардан бирига олиб кирди.

— Ўғлим, сенинг спортдаги ютуқларингдан жуда хурсандман, — деди у нима демоқчи эканлигини фаҳмлаб бошини қуйи солиб турган ўқувчисига. — Аммо мактабда фанларни ўзлаштиришинг пасайиб кетганлиги мени ташвишлантиради. Билимсизлик — бу нодонлик. Ўқимаган одам ҳеч бир соҳада узоққа бора олмайди. Боксчи бўлиб бошқа шаҳар ва мамлакатларга борсанг, ўзга юртликлар билан суҳбатлашсанг ўзингнинг билимсизлигингни кўрсатиб қўясан. Улар сенга қараб бутун ўзбек халқига баҳо беришади.

— Машғулотлар, мусобақалар кўп, вақтимни олиб қўйяпти, — дея у ўзини оқламоқчи бўлди. — Яқинда ўсмирлар ўртасида республика чемпионати бўлади. Унда иштирок этиш учун саралаш беллашувларидан ўтишим, Иссиққўлдаги хотира турнирида иштирок этишим керак.

— Олдинга катта мақсад қўйгансан. Бу яхши. Лекин билим олиш учун бўлган ҳар бир имкониятдан фойдалан. Бўш қолдим дегунча китоб ва рақла. Халқимиз тарихи, адабиётини қанча яхши билсанг, спортдаги ютуқларинг шунча кўпаяверади. Сенга Широқ, Тўмарис, Амир Темур, Навоий, Бобур, Чўлпонларнинг руҳи мадад беради. Билимли одам халқини, Ватанини севади. Халқини севган инсонда кучли руҳ бўлади. Қани энди айтчи, менинг айтганларимни уқдингми?

— Уқдим, ая, — деди Муҳаммадқодир. — Қаерда бўлмай сўзларингизни ёдимдан чиқармайман.

Мана шу суҳбатдан сўнг ҳеч қанча вақт ўтмай Муҳаммадқодир Абдуллаев Андижон шаҳридаги спорт мактаб-интернатига қабул қилинди. Очиғи, мураббийи шогирдидаги иқтидорни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини ҳисобга олиб, уни интернатга беришга мажбур бўлди.

Шухратбек вилоят касабa уюшмалари Кенгаши қошидаги «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг раиси Оганесовга бир неча шогирдининг халқаро мусобақаларда иштирок этиши зарурлиги ҳақида гапиравериb чарчади. Раис эса доим маблағ йўқлигини рўкач қиларди.

— Жамият учун медаллар, шон-шуҳрат келтирувчи боксчи сизларга керакми-йўқми? Агар керак бўлмаса, Муҳаммадқодир Абдуллаевни интернатга топшираман. Шундай қобилиятли йигит-а! Бугун бўлмаса, эртага у жаҳонга танилади. Иссиққўлда ўтказилган хогира турнири эсингиздами? Финалда у турнир бош ҳакамининг ўгли билан тўқнаш келиб қолди. Ҳакамлар лаганбардорлик қилиб бизнинг ютуқни унга бериб юборишди. Ўшанда ҳамма Муҳаммадқодирнинг маҳорати ошганлигини таъкидлади.

— Жуда ошириб юбординг-ку, — дея киноя билан жилмайди Оганесов. — Менга деса, олимпиада чемпиони бўлмайдами. Маблағ йўқ, тушундингми? Пулни сенга осмондан олиб бераманми?

Суҳбат чогида Муҳаммадқодирнинг отаси ҳам бор эди. Шухратбек Муҳаммадқодирнинг «Меҳнат» жамиятига тааллуқли ҳужжатларини майдамайда қилиб йиртиб ташлади. Шу куни улар спорт мактаб-интернатига боришиб, бокс бўйича катта мураббий Марс Қўчқоров билан учрашдилар. Директор хонасида Муҳаммадқодир Абдуллаевни интернатга қабул қилиш жуда осон кўчди.

Ҳа, ўша даврда ёш боксчиларни турли мусобақаларга олиб бориш учун маблағ етишмаслиги Шухратбек Абдуллаевнинг шогирдлариға ҳам ёмон таъсир кўрсатди. Бир қатор шогирдлари бокс билан хайрлашишларига тўғри келди. Уларнинг орасида Ўзбекистон спартакиадаси бокс беллашувларининг финалчиси Маъруфжон Абдуллаев, собиқ иттифоқ ўқувчилар спартакиадаси совриндори, спорт устаси Умид Каримов ҳам бор эди. Муҳаммадқодирнинг дўсти, ўсмирлар ўртасида-

Мақсад на эди,
жаҳона келдинг,
Кайфиятинг баён
этиб кет.

Бу гапни, дўстим,
Муҳаммадқодир,
сенинг момонг, Ан-
диджон онаси Моҳ-
ларойим — Нодира-
бегим айтганлар.

Кеча телевизор
олдида мижжа қоқ-
май, нафасимизни
ичимизга ютиб, Ол-
лоҳдан сенга куч-
чидам, бардош ти-
лаб, энтикиб-эн-
тикиб ўтирдик.
Лабларимиздан
«балли», «яшавор,
ўғлон!», деган
сўзлар чиқаётгани-
ни сезмай қолдик.

Олимпия жанг-
гоҳи узра Ўзбекис-
тон байроғи кўта-
рилганда, Ўзбекис-
тон таронаси янгра-
ганда, кўзларимиз-
дан қувонч ёшлари
сизиб чиқди.

Сен ўша онларда
жаҳонга ўз халқинг-
нинг бахти бўлиб
келганингни баён
эта олдинг. Мусо-
бақанинг сўнгги
лаҳзаларида барча
рекордларни ўзига
олган Америка ҳам
сенга тан берди-ку!

Офаринлар бўл-
син сенга, ўзбек
пахлавони!

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон
Қаҳрамони,
Ўзбекистон Халқ
ёзувчиси

ги республика биринчилиги голиби Илҳом ҳам спортнинг каратэ турига ўтиб кетди. Жалабеклик «қаҳрамонларимиз» Нур, Салим, Қўшоқ ва яна бир неча ёш боксчилар ўша пайтларда оммалаша бошлаган яккама-якка кураш билан шуғулланиб, яхши натижаларга эриша бошладилар. Энг асосийси тарбияси оғир бу болаларни спорт умуман ўзгартириб юборди. Эндиликда улар безориларга қарши курашувчиларга айланишди.

Ҳаётнинг равон йўлига чиқиш учун унинг турли синовларини сабрбардош билан мардона енгиб ўтиш керак. Ёш боксчини ҳам ҳаёт турли вазиятларда синовдан ўтказди. Шундай лаҳзаларда Муҳаммадқодир сабр қилди, олға интилди, унга яхшилар йўлдош бўлди, меҳрибонлик кўрсатди, ойдин манзиллар сари етаклади...

КАМОЛОТ ЙЎЛЛАРИДА

Муҳаммадёқуб ака ўғли билан бирга мусобақалар ва машғулотларда бўлавериб, турли савиядаги бокс «жанг»ларини кўравериб спортнинг бу ажойиб тури сир-асрорларини чуқур билиб олган десак муболаға бўлмас. Бугун ундан Муҳаммадқодирнинг моҳир боксчи бўлиб етишишида қайси устознинг ҳиссаси каттароқ эканлигини сўрасангиз, албатта Лочинбек Қўчқоров номини ҳурмат билан тилга олади. Лочинбек Муҳаммадқодир билан мактаб-интернатга келган биринчи кунларида ноқ алоҳида шуғуллана бошлади. Техник, тактик, жисмоний тайёргарлик спортнинг барча замонавий қонун-қоидалари асосида ўтқазиларди. Ёш боксчи янги устози ёрдамида рақибига қарши «жанг» қилишда кучни барча раундларга тенг тақсимлаш, керак бўлган пайтларда услубни ўзгартира билиш каби нозик тактик йўллари синчиклаб ўрганди.

Ота-онаси, опаси, сингиллари даврасида якка ўғил бўлиб яшаган Муҳаммадқодир учун мактаб-интернат ҳаётига кўникиб кетиш анча оғир кечди. У табиатан камгап, тортинчоқ бўлгани учун нотаниш болалар билан бирдан дўстлашиб кета олмади.

— Иккинчи овқатни емабсан-ку? — дея тарбиячи Холидахон опа меҳрибонлик билан Муҳаммадқодирнинг ёнидаги курсига ўтирди. — Гречкали бўтқани ёқтирмайсанми?

Муҳаммадқодир овқат солинган ликопчани бироз нарига суриб қўйди:

— Супургининг уруғими?

Холидахон ая кулиб юборди:

— Мана шу «супургининг уруғи» сени бақувват қилади. Бу чемпионлар овқати. Кўзингни юмиб бўлса ҳам ейсан!

Муҳаммадқодир юзини тескари бурди.

— Емасанг, сен билан кечгача шу ерда ўтира-
вераман, — дея тарбиячи йигитга қошиқни тутди.

Бола Холидахон опанинг меҳр тўла кўзларини
онасиникига ўхшатди. Тарбиячини хафа қилгиси
келмади. Қошиқни олиб гречка бўтқасини апил-
тапил еб тугатди.

— Дўхтир опанг Мақсудахон бор-ку, — деди Хо-
лида опа жиддий. — Энди овқат емасанг, ана шу
опангга айтиб қўяман. Укол қилади.

— Мен сизга ёш боламанми? — дея у стакандаги
киселни шимириб ичди-да ўрнидан турди.

Кунлар, ойлар ўтди. Муҳаммадқодир аста-се-
кин интернат ҳаётига кўникиб қолди. Бироқ, ту-
нагани уйига кетишини қўймасди. Ёлғиз ўғил
эмасми, буни уйидагилари ҳам хоҳларди-да.

Боксчилар дўстлиги мустаҳкам бўлади. Бирга
бокс билан шуғулланган, рингда бир-бирига қар-
ши астойдил «жанг» қилган йигитлар гина сақ-
ламайдилар. Улар учрашиб қолишганда кучоқ очиб
кўришадилар, кейинчалик ҳам бир-бирларидан
ёрдамини аямайдилар. Интернатда Муҳаммадқо-
дир Ойбек Ҳайдаров (у ҳозир Андижон туманида
бокс бўйича мураббий), Одилжон Абдурахмонов
(Пахтаобод тумани Чувама қишлоғида бокс бўйи-
ча мураббий) билан дўстлашиб кетди. Эндиликда
мураббийлик қилаётган Раҳматилло Зокиров,
Патидин Қурбонов, Музаффар Жўраев билан ҳам
ўзаро тажриба алмашиб, мусобақаларда бир-бир-
ларини қўллаб-қувватлаб туришарди. Бугунги кун-
да жаҳон чемпиони Ўткир Ҳайдаров Муҳаммад-
қодирдан бир йил кейин интернатга қабул қилин-
ган эди. Ойбек билан улар яқин қариндош.
Ўткирнинг отаси Абдужалил ака тўнғич ўғлининг
Руфат Рисқиевдай боксчи бўлишини орзу қи-
ларди.

Ўша пайтларда вазни 32 килограммли Муҳам-
мадқодир ўзидан анча оғир вазн тоифасидаги
Ўткир билан рингда машғулот «жанг»лари ўтказ-
ган. Вазни тенг бўлмаган бу «жанг»ларда Муҳам-

Имкон борича
болага яхши таъ-
лим-тарбия бе-
ришга интилиш
лозим, токи у ижо-
бий хусусиятларни
ўзлаштирасин ва
ярамас ҳаракат-
лардан ўзини му-
хофаза қилсин.

Воиз
ал-КОШИФИЙ

мадқодирнинг яхши ҳимоялана олиши ва шиддатли қарши ҳужумга ўтишига устозлари тан беришарди.

1990 йил собиқ иттифоқ ёш боксчиларининг анъанавий биринчилиги Иркутск шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Унга Андижон шаҳридан тўрт нафар ёш боксчининг бориши режалаштирилган эди. Андижон шаҳридаги олимпия ўринбосарлари билим юртидан 48 килограмм вазн тоифасидан Иркутскка боришга Ойбек Ҳайдаров ва Муҳаммадқодир Абдуллаев даъвогар эди. Бу икки ўсмир ўртасида саралаш «жанг»ги ўтказиш белгиланди.

«Жанг» олдидан Ойбек рақибининг ёнига келиб, унинг елкасига кўлини ташлади:

— Маҳам, — деди у. — Иккимиз ҳам бир-биримизни яхши биламиз.

Очколар бўйича сен ғолиб чиқасан. Бир таклифим бор. Рингда жонимизни жабборга бермайлик. Аста-аста жанг қиламиз, келишдикми?

Муҳаммадқодирга Ойбекнинг дўстона сўзлари, айниқса мағлубиятига иқроор бўлаётганлиги ёқиб тушди:

— Гап йўқ, дўстим, — деди у кўлқопларини бир-бирига уриштирар экан.

Даъвогарлар рингга чиқишди. «Жанг» бошланди. Ринг атрофида вилоятнинг бокс бўйича энг яхши мутахассислари уларни кузатишарди. Боксчилар устозлари кутганларидай аёвсиз эмас, бир-бирларига озор бермай, чиройли «жанг» қилишарди. Ойбекнинг техник томондан устунлиги сезилиб турарди. Муҳаммадқодир эса ўзининг шиддатли қарши ҳужумларини эсдан чиқариб қўйганга ўхшарди. Оқибатда очколар бўйича Ойбек Ҳайдаров ғолиб чиқди.

«Жанг» пайтидаёқ хуноб бўла бошлаган Лочинбек Кўчқоров шогирдига дўқ урди:

— Сенга нима бўлди, касалмисан? Нега бирдан ўзгариб қолдинг? Ўзинг ютқазиб бердинг-ку! Ҳужум қилмадинг. Ёки мусобақага боргинг йўқми?

Муҳаммадқодир устозининг сўзларини эшитмас, карахт ҳолда эди. Кўлқопларни ечиб залдан қандай чиқиб кетганлигини, уйига қандай етиб келганлигини ҳам билмай қолди. Ота ўғлининг ҳолатини кўриб, уни овутишга ҳаракат қилди:

— Ҳамма сенинг кучли эканлигингни яхши билади. Битта жанг ҳеч нарсани ҳал этмайди. Тайёргарликни кўриб туравер. Мана кўрасан, Иркутскка сен борасан. Юрагим сезиб турибди, ўғлим.

Муҳаммадқодир аканинг яхши ниятига фаришталар «омин» деган экан. Эртаси куни Муҳаммадқодир интернатга бориши билан устози уни сафарга ҳозирлик кўриши кераклигини айтди. Ойбекнинг ҳужжатларида

ноаниқликлар бўлгани учун Иркутска Муҳаммадқодир Абдуллаев борадиган бўлди.

Лочинбек поездда Муҳаммадқодирга боксчилар ҳақида ажойиб ҳикояларни сўзлаб берди. Америкалик машҳур боксчи Сидней Жаксон тўғрисидаги ҳикоя ўсмирни бутунлай ўзига ром қилиб олди. Зеро, Жаксон ҳам енгил вазн тоифасида «жанг» қилган, Америка чемпиони бўлганди. Россияга келганда давлат тўнтариши юз бериб, унинг бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетганди. Жаксон Ўзбекистонда боксинг асосчиларидан бири эканлиги Муҳаммадқодирнинг қизиқишини янада оширди. У республикада Сидней Жаксон хотираси учун бокс бўйича халқаро турнир ўтказилиши аёнанага айланганлигини яхши билар, аммо Жаксон аслида ким эканлиги билан қизиқмаганди.

— Менда ёзувчи Георгий Свиридовнинг «Жаксон Россияда қолади» деган ажойиб китоби бор, — деди Лочинбек. — Уни албатта ўқиб чиқишинг керак.

Иркутск рингида Муҳаммадқодир ўз вазн тоифасидаги барча рақибларини бирма-бир мағлуб эта бошлади. Ваҳоланки, рақиблари ўз республикаларининг энг кучли ёш «чарм қўлқоп» усталари эди.

Ярим финал... Андижонлик боксчининг рақиблари арманистонлик спорт устаси Артур Парварян. У ўсмирлар ўртасида ўтган йил чемпион бўлганди. Муҳаммадқодир мана шу жиддий рақибига қарши чап қўли жароҳатланган ҳолда рингга чиқди. Бир кун аввалги «жанг»да у жароҳатланган эди. Рингда андижонлик боксчи ўзининг тактик ва техник маҳоратини ишга солиб, очколар бўйича ютуққа эришди. Финалда қозоғистонлик умидли боксчи Б. Алебоев билан жанг ҳам ғоят оғир кечди. Биринчи раунд тенг курашлар остида ўтди. Иккинчи раундда Муҳаммадқодир шиддатли ҳужумлари билан рақибини саросимага солиб қўйди. Учинчи раундда Алебоев очколарни тенглаштириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади.

Мен ўзбек заминига яна бир бор қадам қўяр эканман, ўзимни бугун ва келажаги буюк бокс Ватанида эканлигимни ҳис этдим.

*Анвар ЧОУДРИ,
Хаваскорлик
боксии халқаро
ассоциацияси
президенти*

* * *

Муҳаммадқодир Абдуллаев Сидней Олимпиадаси финалида она-Ватанга муҳаббат туйғусини шундай ифода этдики, бизнинг ҳам кўзларимизга ёш келди.

*Филипп МЕЙН,
Тошкентдаги
«Стерлинг ЛТД»
фирмаси
директори*

«Жанг» тугагач, Лочинбек шогирдини маҳкам бағрига босди:

— Сен зўр боксчисан, — деди у ҳаяжонланиб. — Сен буюк боксчи бўласан.

1991 йил шундай тоифадаги биринчилик Саратов шаҳрида бўлиб ўтди. Ўтган бир йил орасида Муҳаммадқодирнинг бўйи анча чўзилиб, тенгқурларига тенглашиб олди. Энди у 51 килограммгача вазн тоифасида жанг қиларди. Боксчиларимизнинг сафарга бориб келишларини таъминлайдиган ҳомий ҳам топилди. Шунга қарамай Лочинбек Кўчқоров турнирга бора олмади. Чунки у бокс бўйича вилоят бош мураббийи этиб тайинлангач, ишлари кўпайиб кетди. Бундан ташқари, Саратовга ёш боксчиларга раҳбар бўлиб андижонлик бошқа мураббий Марс Кўчқоров бораётганди.

Биринчиликда мутахассису мухлисларнинг эътибори ўзбекистонлик, тожикистонлик ва доғистонлик «чарм кўлқоп» усталарига қаратилган эди. Мутахассислар душанбелик Райимқул Малахбеков ва владиказлик Магамет Зауровни голибликка асосий даъвогарлар деб ҳисоблашарди. Аммо ўтган йили Иркутскда энг енгил вазн тоифасида ҳамминг режаларини барбод этиб, голиб чиққан ўзбекистонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев ва маҳоратда ундан қолишмайдиган ҳамюрти Ойбек Ҳайдаров ҳам бу баҳсга кўшилган эдилар. Муҳаммадқодир ўз услубига содиқ қолиб рақиблари устидан кетма-кет галабага эриша бошлади. У волгоградлик Аҳмед Гешқоров, қозоғистонлик Музгани Миринбаев, украиналик Евгений Шербаковни, ярим финалда Малахбековни мағлуб этди. Финалда эса Зауровни ҳам доғда қолдириб иккинчи бор чемпионликни кўлга киритди.

Ўшанда минглаб бокс мухлислари андижонлик ёш боксчининг маҳоратига тан беришди. Улар эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистонимизда жаҳон рингларига чиқа оладиган янги боксчи пайдо бўлганини таъкидлашди. У ўсмирлар биринчилигида кетма-кет голиб чиққан Муҳаммадқодир Абдуллаев эди.

БОКС ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

Андижон шаҳридаги спорт мактаб-интернати Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти мақомини олгач, вилоятда нафақат болалар-ўсмирлар, балки ёшлар ва катталар ўртасида рақобат қила оладиган спортчилар тайёрлаш имкони туғилди. Авваллари жуда кўп истеъдодли ёшлар махсус спорт мактаб-интернатини тугатгач, маҳоратларини оширишга имконият тополмасди. Шунинг учун республиканин

умидли боксчилари бўлган қатор андижонлик ёшлар мактаб-интернатни тамомлагач катта спортда кўринмасди.

Эндиликда талабалар мактаб-интернатнинг 8-синфини тамомлагач, уч йил давомида билим юртида таҳсил кўришар ва мураббийлик дипломига ҳам эга бўлишарди. Шу билим юрти талабаси Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам республика терма жамоасининг аъзоси сифатида Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳридаги бокс маркази йиғинларида тез-тез тайёргарлик машқларини ўтказадиган бўлди. Энди у уйида ҳам кам бўларди. Гоҳ республика чемпионати, гоҳ Жаксон хотираси турнири, Ангрен, Урганч, Тошкент ва хориждаги турли халқаро беллашувлар уни боксчи сифатида чиниқтирарди.

Айни пайтда Андижондаги республика олимпия ўринбосарлари билим юртида янги-янги умидли боксчилар камолга етаётганди. Фарҳод Турдиев, ака-ука Зиёвуддин ва Қувонч Тайганбоевлар, Мирзоҳид Жиянбеков, Тўлқин Турғунов, Ўткир Ҳайдаров, Руслан Чагаев, Сергей Михайлов, Тимур Тўляков, Файрат Аҳмедов каби боксчилар республика рингида танилиб боришарди. Шундай иқтидорли боксчилар билан ёнма-ён шуғулланиш Муҳаммадқодир руҳига қувват, кучига куч қўшди. Уларнинг чарм қўлқоп усталари сифатида чархланиб, халқаро рингга чиқишларини таъминлашни уч нафар устоз — Марс Галиевич Кўчқоров, Александр Анатольевич Размахов, Валентин Антонович Золотарёв ўз зиммаларига олишиб, бу ишга астойдил киришдилар. Халқаро спорт майдонида юксак натижаларга эришиш жуда қийин, лекин уддалаш лозим бўлган вазифа эди. Фақат олдинда ечимини кутаётган кўплаб муаммолар кўндаланг турарди.

Айниқса, бу муаммолар Андижон шаҳрида ташкил этилаётган Ўзбекистон кубоги мусобақаси олдидан юзага қалқиб чиқди. Чунки андижонлик мураббийлар Тошкент вилояти жамоаси билан бўла-

Фақат жисмоний жихатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жихатдан камол топтириш гоёт мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинхона тус олган hozирги назик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Ислом КАРИМОВ

диган учрашувга учта вазн тоифасида боксчи қўя олишмади. Сабаби оддий, бу вазнларда вилоят шарафини муносиб ҳимоя қиладиган чарм қўлқоп усталари йўқ эди.

Бу гап ғайри табиий туюлади. Чунки вилоятда ўнлаб спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари билим юрти, бокс бўйича юз нафарга яқин мураббий ишлаб турса-ю, маҳоратли боксчилар етишмаса? Ахир, Андижон вилояти вакиллари ўсмирлар, ёшлар ўртасида ўтказилган республика биринчилиги, халқаро мусобақаларда доим шоҳсупага кўтарилади-ку. Қани ўша совриндорлар?

— Тўғри, ўсмирларимиз, ёшларимиз орасида республика шарафини ҳимоя қилган ва қилаётган боксчиларимиз бор, — дея вазиятни юмшатган эди ўшанда Марс Қўчқоров. — Бироқ ёшлар балоғатга етиб махсус мактабимизни тамомлагач, уларни ушлаб қолиш имкониятига эга эмасмиз. Боксчига умуман маош берилмайди. Мураббийларнинг маоши ҳам жуда кам. Ёшлар спортни ташлаб бошқа ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлишяпти. Республикаимизнинг энг кучли боксчиларидан бири Муҳаммадқодир Абдуллаевни олайлик. Андижон шуҳратини жаҳонга танитаётган мана шу йигит учун ҳам маош масаласи ҳалигача ҳал бўлмай турибди.

Суҳбатимизга қўшилган Турдали Ўзғунов вазиятга янада аниқлик киритди:

— Санаб чиқсам вилоятимизда бокс бўйича юзга яқин мураббий бор экан. Уларнинг ҳаммаси маош олади. Лекин аксарияти номигагина ишлайди. Агар уларнинг ҳар бири биттадан яхши боксчи тайёрлаганда ҳам биз бугунги аянчли аҳволга тушиб қолмасдик. Менинг фикримча, мураббийлар сони кескин қисқартирилиши ва шу ҳисобга қолганларнинг маоши ошириб қўйилиши керак. Ана шунда улардан яхши натижа кутиш мумкин. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, бокс залларимиз талабга жавоб бермайди, жиҳозлар, ҳатто чарм қўлқоплар етишмайди. Умуман олганда, замон талабларидан келиб чиқиб, вилоятда боксга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарур...

Андижон шаҳридаги Н. Ҳакимов номли бокс залида ўтказилган Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар бошланмасдан тошкентликлар 3:9 ҳисобида олдинда боришаётган эди. Чунки, андижонликлар юқорида таъкидлангандай уч вазн тоифасида, тошкентликлар битта вазн тоифасида боксчи йўқлигини билдиришганди (Мазкур мусобақада ютуқ учун 2, мағлубият учун 1 очко берилади. Боксчиси бўлмаган жамоага очко берилмай, рақибига уч очко ёзилади).

60 кг вазн тоифасида рингга Муҳаммадқодир Абдуллаев чиққанда бокс мухлислари гулдурос қарсақлар билан олқишладилар. Унинг ра-

қибИ Й. Айдарқулов эди. Андижонлик боксчи биринчи раунддаёқ, яхши ҳимоялана олиши ва кучли зарбаларга эга эканлигини кўрсатди. Иккинчи раунднинг бошларида унинг кучли зарби рақибини кулатди. Тошкентлик боксчи беллашувни давом эттира олмаганлиги учун Муҳаммадқодир ғолиб деб топилди. Аммо бу ютуқ ҳам умумий натижанинг ижобий бўлишига таъсир кўрсата олмади.

Аввалдан кутилганидек, умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти вакиллари ютуққа эришдилар. Шунга қарамай андижонлик боксчилар мусобақаларда яхши имкониятларга эга эканликларини намойиш этдилар. Тошкент вилояти бокс терма жамоасининг раҳбари, таниқли бокс мутахассиси Рим Шамсутдинович Башаров мусобақа давомида андижонликлар муаммосидан хабардор бўлгани учун жуда яхши тақлиф айтди:

— Андижонликлар катта ёшдаги боксчиларни маош билан таъминлашда бизнинг Тошкент вилояти тажрибасидан фойдалансалар муаммо ҳал бўлади. Биз мактабни тамомлаган моҳир боксчиларимизни мураббий сифатида ишга жойлаб қўйяпмиз. Агар шундай қилинмаса истеъдодли боксчилар қумга сепилган сувдай катта спортда йўқ бўлиб кетадилар.

Аммо йиллар давомида тўпланган бу муаммоларни бир зумда ҳал қилиш мумкин эмас. Вақт эса кутиб турмайди. Чунки Муҳаммадқодир 1993 йилнинг бошида катталар ўртасида Бухорода ўтказилган мамлакат чемпионатида ғолиб чиқиб, биринчи бор Ўзбекистон чемпиони деган шарафли унвонга сазовор бўлганди. Бу унга жаҳон чемпионати дарвозаларини очганди. Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг жаҳон чемпионатида қатнашишининг ўзи Андижон бокси тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиларди.

Финляндиянинг Тампере шаҳрида 1993 йил 6 май куни жаҳон чемпионати бошланди. Радио, телевидение, газеталар мусобақа янгиликларини

Мен 1959 йилда буён боксчилар билан биргаман. Ўтган даврда мамлакатимизда кўплаб танили боксчилар воя етди. Лекин Муҳаммадқодирдай иқтидорли, сабр-бардошли, олий мақса йўлида тинмай илланадиган боксчимиз бўлмаганди. Муҳаммадқодирнинг профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, америкалик Майк Таисонга ўхшаб «жанқилади. Лекин «жанг» қилиш маданияти, шарқонхулқ-атвори, тантлиги билан унга сира ўхшамайди.

Муҳаммадал
КАРИМОВ
Ўзбекистон
Республикаси
Миллий Олимпиа
қўмитас
вице-президенти

тўхтовсиз етказиб турибди. Москва радиосидан «Абдуллаев 57 килограмм вазнда кубалик боксчига ютқазиб қўйди», деган хабар Муҳаммадқуб аканинг юрагини така-пука қилиб юборди. «Наҳотки, бўлиши мумкин эмас!» дея безовталана бошлади. Чунки у ўғлига қаттиқ ишонарди. Муҳаммадқодирнинг имкониятларини биларди. «Бош оғриғи таъсир қилдимикин? Соғлиғини тиклаб олган эди-ку!» дея Москва радиоси хабарига унча ишонмади. Бир оздан кейин билса, хабарни ўзи янглиш эшитибди. Ютқизган қозогистонлик боксчи экан. Аммо Финляндияда ўтказилган бу жаҳон чемпионатида ўғлининг омади келмади. Қандайдир мўъжизавий куч бу хабарни Муҳаммадқуб акага олдинроқ етказганди.

Муҳаммадқодир ҳам адаши, қозогистонлик Абдуллаев каби биринчи «жанг»да кубалик боксчига қарши рингга чиқди. Биринчи раундда рақибларнинг синаш ҳужумлари тугамаёқ, ҳакам ўйинни тўхтатди. Боксчиларни ринг ўртасига чақирди. Бирдан кубалик боксчини «ғолиб» дея қўлини кўтарди. Кутилмаган бу адолатсизликнинг сабабини ҳеч ким аниқлай олмади.

Финляндия. Хельсинкидаги марказий аэропортдан ўзбекистонлик боксчилар самолётга чиқишди. Муҳаммадқодир қўлидаги катта спорт сумкасини юқоридаги токчага жойлаб ўриндиққа чўкди-ю, думалоқ ойнадан ташқарига қаради. Тунда чироқлар жилваланарди. Андижонлик боксчининг ёнига терма жамоамиз аъзоси, ҳазилкаш арман йигити Артур Григорян ўтирди.

— Ҳей, нега бунча хомушсан? — деди у Муҳаммадқодирни суҳбатга чорламоқчи бўлиб.

— Хурсанд бўладиган жойи йўқ, — дея у зўрма-зўраки жилмайди.

— Кейинги пушаймон ўзингга душман дейишади. Қайғурганинг билан ҳеч нарсани ўзгартира олмайсан. Аксинча, озиб кетасан, холос.

«Айтишга осон, — хаёлидан ўтказди Муҳаммадқодир. — Қанча тайёргарлик кўрилди. Унга ишонганлар елиб-югуриб ҳомийлар топишди. «Наврўз» (Андижон) футбол клуби, «Нилуфар» кичик корхонаси етарли маблағ билан таъминлашди. Тошкентдаги машқлар, Санкт-Петербургдаги махсус тайёргарликлар, ҳаммаси бир лаҳзада йўқ бўлди-қолди. Бокс бўйича жаҳон чемпионатида 57 килограммгача вазн тоифасида Ўзбекистон Республикаси шарафини андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳимоя қилади, дея хабар қилинганда миллионлаб спорт мухлисларининг нигоҳи ойнаи жаҳонга қадалмадими? Кубалик боксчи билан «жанг» эса бир лаҳза давом этди холос».

— Фанта ичасанми? — деди Артур.

Стюардесса патнисда салқин ичимликлар тўлдирилган идишларни олиб келганди. Муҳаммадқодир хоҳлар-хоҳламас стаканлардан бирини олди.

— Ҳадеб қайғураверма, — дея Артур фантадан хўплади. — Мағлубиятингнинг асосий сабабини биласанми?

Муҳаммадқодир арман йигитнинг қуралай кўзларига сергак тортиб қаради.

— Эрталаб бўтқани емаганигда, — дея кўзларини қисиб муғамбирона сўзида давом этди Артур. — Йўқ, йўқ, мен жиддий айтяпман. Қулоқ сол. Бўйинг бир метру 70 сантиметрдан ортиқ. Шундайми? Сен эса 57 килограммгача вазн тоифасида жанг қиласан. Овқатни кам ейсан, кўп югурасан, ҳаммомда терлашинг керак. Чунки вазнинг ортиб кетиши керак эмас-да. Бунақада қувватни қаердан оласан?

— Билмагандек гапирасана, — деди Муҳаммадқодир. — Терма жамоада ҳар бир вазннинг ўз эгаси бор. Масалан, 63,5 килограмм вазн тоифасининг эгаси сенсан. Нима, мен сенинг вазнингга ўтишим керакми?

Артур атрофга бир қараб олдида:

— Сенга бир сирни айтайми, — деди жиддий оҳангда. — Яқинда профессионал боксга ўтиб кетаяпман. Хуллас, ошни мазза қилиб еяверсанг бўлаверади. Менинг жойим сенга.

Шу кун Муҳаммадқодир арман йигитининг сўзлари ростми-ёлғонлигини тушунмади. Самолёт Тошкент аэропортига қўнғач, жамоадошлари билан хайрлашди.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, Муҳаммадқодир, — дея Артур хайрлашаётиб дўстига яна кўзини қисди.

Ҳар бир спортчининг омади чопмаган кунлари, ойлари, ҳатто йиллари бўлади. Муҳаммадқодир ҳам шундай даврни бошидан кечираётганди. Олимпия ўринбосарлари билим юртини тамомлаб, бир қанча муддат ўша жойнинг ўзида машқ қилиб юрди. Кейинчалик Олтинкўл туманидаги бокс тўрагагига мураббий сифатида расмийлаштирилди. Бироқ, бу жойдан оладиган маоши боксчининг мусобақаларга бориши у ёқда турсин, оддий кун кўриши учун ҳам етмасди.

Спорт — спорт учун эмас, энг аввало одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ўша кунлар Муҳаммадқодирни вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Убайдуллаев билан бирга учратиб қолдик. Боксчи дардини ёзарди.

— Боксда бирор натижага эришишим учун яхши калорияли овқат ейишим керак, — деди у бошини қуйи солиб. — Маошим эса бир ҳафталик овқатимга ҳам етмайди. Энди ёш бола эмасман. Ота-онамга боқиманда бўлишни хоҳламайман. Бундан ташқари яқинда уйланаман.

Кўпни кўрган Улуғбек ака жилмайиб боксчининг елкасидан кучди:

— Жуда оширвординг-ку, ука. Ҳаммаси яхши бўлади. Олдинда Осиё ўйинлари, Таиланд қироли кубоги учун мусобақа, жаҳон чемпионатлари турибди. Худо хоҳласа олимпиадада ҳам иштирок этасан. Сен Ўзбекистоннинг энг маҳоратли спортчиларидан бирисан. Ҳали шундоқ тўй қилайликки...

Мана шундай қийин бир даврда Муҳаммадқодирга биринчи устози Шухратбек Абдуллаев яна мураббийлик қила бошлади. У шогирдининг жаҳонда тенгсизлигига шундай ишонардики, гапирганда кўзлари ёшланиб кетарди. Бу эса шогирдида пайдо бўлаётган ишончсизликни тумандай тарқатиб юборарди. Аслида, инсонга кўп нарса керак эмас. Баъзан унинг кўнглини кўтариш учун, юксак мақсадлар сари отлантириш учун бир ширин сўз кифоя. Яна Муҳаммадқодир машғулотларга зўр берди. Негаки, у Тошкентда ташкил этилаётган «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро мусобақасида иштирок этиши керак эди...

Ёмғир томчилаб, кузнинг салқин шамоли эсарди. Муҳаммадқодир Тошкентдан поездда бирга келган устозлари, боксчилар билан хайрлашиб, қадамини тезлатди. Унинг кўз ўнгидан рингдаги беллашувлар, устозининг жиддий нигоҳи кинолентасидай ўтар, қулоғи тагида минглаб мухлисларнинг ҳайқириқлари ҳамон жаранглаётгандай туюларди. Биринчи «жанг»ни бўшроқ ўтказгандек туюлди ўзига.

Нега шундай бўлди? Рақибни нисбатан унчалик кучли эмас эди-ку? Қашқадарёлик Равил Бойбўлатов. Уришқоқ боксчи. Кучли зарблар билан фақат олдинга интилади. Шиддатли ҳаракатлар билан рақибини эсанкиратиб қўйишни истаydi. Икки-уч йил аввал Муҳаммадқодир ҳам шундай эди. Кейинги йилларда у рингда фикрлаш зарурлиги, куч ва шиддат билан бирга ўйлаш, рақибининг ҳаракатларига қараб услубини ўзгартириш, хуллас ақл билан ютуққа эришиш кераклигини тушунди.

«Биринчи раунддаёқ унинг шиддатли ҳужумига қарши ҳужум билан жавоб бермаслик керак эди, — хаёлидан ўтказди Муҳаммадқодир. — Орқага бир оз чекиниб, рақиб хатоларидан фойдаланиш, аниқ зарбалар қайтариш яхши натижа берарди. Бир оз ҳовлиқиб кетдим. Ахир «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» халқаро мусобақасининг дастлабки белла-

шуви эди-да. Ҳаяжонланмай бўладими? Кейинчалик ўзимни босиб олмаганимда, эҳтимол, турнирда ҳеч қандай натижага эришмасдим».

Боксда биринчи учрашув кўп нарсани ҳал қилиши мумкин. Муҳаммадқодир буни Финляндияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳис этди. Биринчи «жанг»даёқ кубалик кучли боксчи билан беллашишга тўғри келди. Бундай йирик мусобақаларда илк бор иштирок этаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳаяжонлангани учун имконият даражасидан бўшроқ «жанг» қилди. Тошкентдаги мазкур халқаро мусобақанинг биринчи беллашувида совуққонлик билан ҳаракат қилишида шубҳасиз жаҳон мусобақасидаги ўша учрашув ҳам сабаб бўлди.

Ҳакам Муҳаммадқодирнинг голиб чиққанини билдириб, кўлини кўтарди. Барибир у ўзининг бу учрашувдаги саъй-ҳаракатларидан қониқмади. Шундан бўлса керак у кейинги «жанг»ларни бир текис, ўзига хос услубда ўтказди ва яққол устунликдаги галабаларга эришди. Қирғизистонлик боксчи унинг зарбларига дош беролмай, муддатидан илгари таслим бўлди. Тожикистонлик боксчи билан бўлган ярим финал учрашуви эса Муҳаммадқодирнинг тўла устунлигида ўтди.

57 килограммгача вазннинг ҳал қилувчи беллашувида икки ўзбекистонлик боксчи — андижонлик М. Абдуллаев ва Тошкент вилояти вакили Нургали Абдураимов учрашишди. Рақиблар бир-бирларини яхши билишарди. Иккаласи ҳам республика терма жамоаси таркибида кўпинча машқларда, мусобақаларда бирга бўлишарди. Бир неча бор ўзаро синов «жанг»лари ўтказишган. Уларда асосан андижонлик боксчининг қўли баланд келарди. Шунинг учун Муҳаммадқодир биринчи терма жамоа, Нургали эса иккинчи терма жамоа аъзоси эди.

Финалда Абдураимовнинг мақсадини тушуниш қийин эмасди. Андижонлик боксчини мағлубиятга учратиб, нуфузли турнир голиби бўлиш учун

Мен спорт, бокс мухлиси бўлганим учун Сидней Олимпиадаси ўйинларини ойнаи жаҳон орқали мунтазам кўриб бордим ва шу даврда юрдошларимиз кайфиятини кузатдим. Айниқса, Муҳаммадқодирнинг ўз «жанг»ларини ютиб, чорак, ярим финалга чиққани сайин бокс мухлислари ҳам, унинг мухлислари ҳам ошиб борди. Финал «жанг»гида Муҳаммадқодирга бутун Ўзбекистон яқдил бўлиб ишқибозлик қилди. Шу боис Муҳаммадқодирнинг Олимпиададаги жасорати, энг аввало, халқимизни янада бирлаштирди, аҳиллигимизни мустаҳкамлади, спортнинг мўъжизавий кучини намойиш этди.

*Комилжон
ШАРИПОВ,
Бухоро вилояти
пахта уруғчилиги
бошқармаси
бўлим бошлиғи*

у жон-жаҳди билан ҳаракат қилишга мажбур эди. Нургали учрашув бошиданоқ ўз ниятини яширмади. Рақибини техник жиҳатдан устунлигини, ўзининг ютқазаетганини сезиб, асабийлашди. Яқин масофадан туриб зарб бериш бошланганда Муҳаммадқодирнинг қўлқопини қисиб олиш ёки бўйнидан қучиб олишга ҳаракат қилди. Бундай пайтларда улар кураш тушаётгандай бир-икки йиқилдилар ҳам.

Муҳаммадқодирнинг устунлиги яққол сезилиб турарди. Ҳакамлар голибни аниқлашда қийналишмади. Уларнинг тўрттаси андижонлик боксчи, биттаси унинг рақибни ютуққа эришганлигини билдирди. Голибни унинг устозлари Шухратбек Абдуллаев, Лочинбек Қўчқоров, Александр Давидович Дин, вилоят вакиллари қизгин қутладилар. Ахир, мазкур йирик турнирда иштирок этган учта андижонлик боксчидан фақат Муҳаммадқодиргина финалга чиқа олган ва олтин медални қўлга киритган эди-да.

Муҳаммадқодирнинг ғалабасини ҳаммадан кўпроқ унинг отаси, «Андижонирмаш» заводи шофёри Муҳаммадқуб ака интиқлик билан кутарди. Шу куни у халқаро мусобақа ўтказилаётган Тошкент шаҳридаги «Алпомиш» спорт саройида эди. Ота оғир беллашувларда синовдан муваффақиятли ўтган ўғлини маҳкам бағрига босди.

— Кам бўлма ўғлим, сен билан фахрланаман! — деди у ғурурланиб.

Баъзилар якка ўғилни авайлаб-асрайдилар, еру кўкка ишонмайдилар. Муҳаммадқуб аканинг фикри тамоман бошқача:

— Ўғли кўплар биридан чиқмаса бошқасидан чиқар, дея ўзини овутадилар. Ўғлим ёлғиз экан, у албатта мен ўйлаган йигит бўлиши керак.

... Ширин хаёллар оғушида келаётган Муҳаммадқодир Жалабек маҳалласи томон бурилганда кўча одамлар билан гавжум эди. «Ким тўй қилаётган экан?» — дея хаёлидан ўтказди у.

— Келяпти, — дея қичқирди бир қизалоқ.

Одамлар Муҳаммадқодир томон юришди. Улар халқаро мусобақа голибни табриклаш учун кутиб туришган экан. Кўшнилари, маҳалладошлар, турли ёшдаги кишилар уни қучиб табрикладилар. Улардан баъзилари яқин кунларда ҳам боксни муштлашиш деб тушунар эди. Бугун эса боксчини қутлашяпти. Демак, улар бокснинг ўзига хос санъат эканлигини англабдилар. Ахир, муштлашиб, кимнидир уриб келган йигитни бутун маҳалла қучоқ очиб кутиб олмайди-ку?!

Муҳаммадқодирнинг онаси Махфиратхон аянинг қувончдан кўзлари намланди. Шу куни у кечгача меҳмонларни кутиб-кузатди. Эрталаб ота-бола масжидга намозга чиқишганда яна бир кутилмаган ҳол содир бўлди. Намозхонлар уларни қизгин муборакбод этдилар. Муҳаммадқодир ҳаққиға дуолар ўқиб, ҳаммиша омад ёр, жаҳонга танилишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлишини тиладилар. /